



Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 11 ноябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 88 (7283)

Ta'lim homiyarlari

Мактаб — қишлоқ жойларида ягона маърифий даргоҳ. Ҳар бир киши хотирасида ўчмас из қолдирган зиё маскани.

Бироқ аксарият жойларда мактабларни таъмирлаш, эскирганларини қайта қуриш, жиҳозлаш ишлари маблағ танқислиги боис муаммо бўлиб қолмоқда. Яхшиямки халқимиз орасида болалар тақдири билан қизиқадиган ҳимматли кишилар бор. Ана шундай очикқўл инсонлардан бири Челақ туманидаги Алишер Навоий жамоа хўжалигида яшовчи Маъмур ҳожи Мухторовдир. У киши яшаётган Қозоқхўжа қишлоғида мактаб биносининг пойдевори қурилиб, 5-6 йилдан буён иш тўхтаётган эди. Қишлоқ болаларининг ёғин-сочинли кунларда тўрт-беш чақирим нарига мактабга қатнаб қийналаётганлигини кўрган К.Хушвақтов бошчилигидаги ўқитувчилар ўзлари гишт қуйиб девор тиклашга киришди. Бироқ мактаб биноси фақат деворини тиклаш билан битиб қолмайди. Ана шундай танг вазиятда "Чорвадор" деҳқ-

БИЛИМНИ БОЛАЛАРГА ЯҚИНЛАШТИРГАН БОБО

он фермер хўжалиги раҳбари Маъмур ҳожи Мухторов қишлоқдошлари жонига ора кирди. Дастлаб пойдевор учун ўн минг дона пишиқ гишт олиб берди, сўнгра бинонинг пардозлаш ва жиҳозлаш ишларини ўз зиммасига олди.

Бу орада 1998 йилга қадар 20-мактабнинг филиали сифатида ишлаб турган 86 ўринли бошланғич мактаб биносини газлаштирди. 1999-2000 ўқув йилида Маъмур бобо қурган мактаб ўз бағрига 220 нафар болани олиб, иш бошлади.

М.Мухторовдан мактаб учун қанча маблағ сарфладингиз деб сўраганларга у киши "пулини сўраб нима қиласиз, шу ўғил-қизларимиз илмли, элга нафи тегадиган бўлсин", дейдилар.

Қолаверса, Маъмур бобо ўз хўжалигида етиштирган мевасабзавотлар ва сут маҳсулотлари билан ҳам мактабгача таълим муассасалари кичкинтойларини сийлаб келмоқда.

М.Мухторовнинг таълим учун қилган ғамхўрлиги, ибратли хизмати Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси, "Маърифатпарварлар" жамияти вилоят бўлими томонидан эътиборга олинди, у кишини "Таълим фидойиси" кўкрак нишони билан тақдирладилар. Биз 71 ёшли саховатли отахон Маъмур ҳожи Мухторовга саломатлик тилаб, Сиз каби қалби дарё кишилар юртимизда кўпаяверсин деймиз.

Назokat ШЕРБОЕВА,
ўз мухбиримиз

ТАБРИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Фарғона вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллаб, уларнинг барчасини эришилган улкан марра — пахта тайёрлаш бўйича йиллик шартномавий режани муваффақиятли бажарганликлари билан самимий муборакбод этди.

ФАРМОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Р.С.Азимовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Макроиқтисодиёт ва статистика вазирини таъинлаш тўғрисида"ги ҳамда "М.Б.Нурмуро-

СЎНГГИ УЧ КУН ХАБАРЛАРИ

Чоршанба



Пайшанба

Жума

довни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирини таъинлаш тўғрисида"ги Фармонлари чиқди.

ЯНГИ НАШР

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорлик-

да Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарори билан ушбу йилда нишонланаётган улуғ рссом Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллиги тўйига тўёна тарзида "Бехзод ва тамаддун" китобини нашрдан чиқарди.

ХАЙРЛИ ТАДБИР

Хоразм вилояти Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма кўмитаси АҚШ тинчлик корпуси вакиллари билан ҳамкорликда 55 нафар аълочи ва фаол ўқувчилар учун Урганч Давлат университети санаторий-профилакторийси қошида махсус оромгоҳ ташкил этди, мазкур кўмита томонидан хайрли тадбир учун 285 минг сўм маблағ ажратилди.



Р. АЛБЕКОВ олган сурат-лавҳаси.

Таълим.. Тараққиёти

эртани кун Замини

Халқ таълими вазирлигининг "Таълим тараққиёти" ахборотномасига обуна давом этмоқда. Ушбу ахборотнома орқали сиз янги йилда ҳам таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, бу ислохотлар жараёнини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, уларнинг ижроси бўйича мониторинг таҳлилларининг натижалари, илғор педагогик тажрибалар ҳамда чет мамлакатлар таълим тизимлари билан мунтазам танишиб боришингиз мумкин.

Нашр кўрсаткичи:
Якка обуначилар учун — 1056
Ташкилотлар учун — 1057.

БИЗ БИЛАН БУЛИНГ, ЮНЛАСИЗ

Обуна мавсуми. Таълим-тарбиянинг жонқуярлари эса ўз газеталари — "Маърифат"га обуна бўлмоқдалар. Таҳририятимиз ходимлари ҳам, ўз навбатида, ҳар бир муштарийнинг орзу-истакларини, мақсад ва интилишларини рўёбга чиқариш йўлида баҳоли қудрат ҳаракатда бўлаверади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Айни кунгача Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида минглаб муштарийлар "Маърифат"га 2001 йил учун обуна бўлгани ҳолда, айрим вилоятларда бу иш қизгин паллага кириб улгурмаган кўринади. Шундай бўлса-да, ҳали вақт бор. "Маърифат"га обуна бўлинг! Дунёдан бохабар бўласиз. Энг долзарб масалалар ечимидан баҳраманд бўласиз. Қисқаси, ютасиз!

Танишинг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияларининг 2000-2001 ўқув йили совриндорлари
3-бет

Бир оғиз ширин сўз
5-бет

Гинго билоба ҳақида
13-бет

ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

Кўпвариантилик тест жамғарма банкнинг сифат жиҳатдан такомиллашувини, миқдор жиҳатдан эса кўпайтирилишини тақозо этади. Бу эса таълим тизими билан алоқадор барча илм ва маърифат аҳлининг умумий ишига айланмоғи жоиздир. Шунинг назарда тутган ҳолда, Давлат тест маркази, мана беш йилдирки, ҳар йили "Энг яхши педагогик тест муаллифи" танловини ўтказиб келади. Бу эса республикамизнинг барча вилоятлари педагоглари тажрибаларини, ижодий тафаккурини синаб кўриш, шу билан бирга, тест жамғарма банкни сифатли ва ишончли тест топшириқлари билан тўлдиришдек хайрли ишга ҳисса қўшиш имконини бераётган.

Мана, 2000 йил танлови ҳам ниҳоясига етди. Танловга келган тест топшириқлари қилини қирқ ёрадиган ҳайъат аъзоларининг ўткир нигоҳидан ўтди. Тест топшириқларининг янгилиги, мантиқийлиги, жавобларнинг изчиллиги, нозиклиги, муаллифнинг ижодий ёндашувига, ўқувчининг билимини қанчалик ўлчай олиш имконига эътибор қаратилди. Шундай талабларга жавоб бера олган, ғолибликни қўлга киритишга ишончли муаллифлар, шубҳасиз, муваффақият қозондилар. Шунингдек, "Ахборотнома", "Вестник" журналларида чоп этилган тест топшириқларининг такрорий

бўлмаслиги ҳам ҳайъат аъзоларининг диққат марказида бўлди (афсуски, оз бўлса-да шундай тест топшириқлари ҳам танловга ҳавола этилган).

Танлов материаллари ҳайъат аъзолари қўлига хос рақамланган ҳолда (муаллифнинг исми фамилиясиз) берилди. Ғолиблар аниқлангачгина хос рақамлар ўрнига фамилиялар қўйилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, тан-

"Eng yaxshi pedagogik test muallifi"

лов қатнашчиларининг географияси ниҳоятда кенг. Республикамизнинг деярли барча вилоятларидан вакиллар иштирок этади. Олдинги йилларга нисбатан Тошкент шаҳридан ҳам танлов қатнашчилари сафи кенгайганини эътироф этиш мумкин.

Шундай қилиб, ҳамкасбларимизнинг ижодий имкониятлари бениҳоялигига ишонч ҳосил қилдик.

2000 йил танловида 307 нафар киши қатнашди. Кўп миқдордаги тест топшириқлари Бухоро, Андижон, Наманган, Навоий, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан келди (вилоятлар номи тадрижий равишда берилди).

Фан блоклари эса қуйидагича тадрилланди: математика, тарих, ўзбек тили ва адабиёти, кимё, физика, биология, рус тили, инглиз тили, француз

тили, немис тили, қорақалпоқ тили, география.

Шу билан бирга мутахассисларнинг "Ўзбек тили" (иккинчи тил) блоки танловда қатнашмаганлигидан афсусландик. Имкониятдан фойдаланиб, ушбу блок мутахассисларига (рус мактабларининг ўзбек тили ўқитувчиларига) бу хайрли ишда фаол қатнашинг - дея алоҳида мурожаат қиламиз. Келгуси йил танловида "Ўзбек тили" (иккинчи тил) блокдан ҳам ғолиблар бўлишига умид билдирамыз.

Ғолиблар миқдорига кўра, Бухоро, Самарқанд, Наманган, Навоий ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси алоҳида таҳсинга сазовордир.

Маълумки, тест топшириқларининг мазмуни, сифати ҳақида олий ўқув юрталарининг кафедра ўқитувчилари, ЎзРФА илмий ходимлари кўпроқ баҳс юритадилар. Амалий ишга келганда уларнинг сусткашлиги бизни ажаблантирди.

Қишлоқ ўқитувчиларининг фаоллиги бизни беҳад қувонтирди. Тест синовларида қишлоқ ёшларининг юқори кўрсаткичларга эришайтгани, қишлоқ ёшлари шаҳар ёшларига нисбатан икки марта кўп ўқишга қираётгани бундан далалатдир. Биз бундай фидойи ўқитувчиларга, танлов иштирокчиларига самимий миннатдорчилик билдирамыз.

Азиз муштарийлар! Энди барча фан блоклари бўйича совриндорлар билан танишинг.

ЖАМИЯТ ЎҚУВИ

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент вилояти бўлими фавқуллоҳда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда аҳоли ўқувини ташкил этади. Олти ойлик машғулотнинг якуний қисми Қибрай туманининг Байтқўрғон фуқаролар йиғинига қарашли Кўприкбоши маҳалласида ўшатирилди.

Ер қимирлаганда, сув тошқини рўй берганда, ёнғин ходисаси содир бўлганда, аҳолининг саросимага тушмаслиги, ўз-ўзини муҳофаза қилиши учун қандай йўл тутилиши ўқув ва тайёргарлик машғулотларида намойиш этилди.

Вилоят Қизил Ярим Ой жамияти раиси М.Каримова, шу жамиятнинг Қибрай тумани мутасаддиси Н.Рустамоваларга машғулоти иштирокчилари миннатдорчилик билдиришди.

МУХБИРИМИЗ

ОТА-ОНАЛАР МИННАТДОР

Мактабгача ва бошланғич таълим муассасамиз уч йилдирки "Наврўз" жамоа хўжалигидан туман халқ таълими бўлими тасарруфига ўтди. Дастлаб анчагина муаммолар мавжуд эди. Болалар боғчасини таъмирлаш, болалар ёшига мос жиҳозлар билан таъминлаш, айниқса болаларни жалб этиш шулар жумла сиздандир. Бунинг учун, аввало, ота-оналар, ҳомийимиз бўлган "Тўрақўрғон - Ахси-

Milliy dastur— amalda!

кент" ташкилоти, туман халқ таълими бўлими ҳамда жамоамиз ҳамкорликда барча гуруҳлар таъмирдан чиқарилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Мактабгача ва бошланғич таълим узвийлигини таъминлаш мақсадида 1999-2000 ўқув йилида эса 13-мактаб маъмурияти билан маслаҳатлашиб, 1-синфда ўқиш ташкил этидик. Муассасамизда дастлаб битта гуруҳ билан иш бошлаган бўлсак, айтиш чоғда 6 та гуруҳларда 130 нафар кичкинтой таълим-тарбия олаётди. Кичкинтойлар гулшанидаги таълим-тарбияга оид машғулотлар жисмоний тарбияга йўналтирилган. Жисмоний тарбия зали болажонлар ёшига мос жиҳозлар билан таъминланган.

Муассасадаги изланувчан, илғор, намунали мураббийлар Х.Тошпўлатова, Д.Нурматова, П.Аҳмедовалардан ота-оналар миннатдордир.

Шунинг таъкидлаш жоизки, муассасамизда болаларнинг овқатланиши, дам олиши, билим олиши учун яратилган шароитлар билан танишган ота-оналар ўғил-қизларини мазкур масканга олиб келмоқдалар ва жамоамиздан миннатдор бўлмоқдалар.

З.РАЖАБОВА,
Тўрақўрғон туманидаги
5-"Табассум" мактабгача
ва бошланғич таълим
муассасаси раҳбари

Ўзбек тили ва адабиёти

I-ўрин — ҳеч кимга насиб этмади.

II-ўрин — Самарқанд вилояти Нарпай тумани, 64-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Гавҳар Усмонова.

III-ўрин:

1) Фарғона вилояти Бувайда тумани, вилоят 2-лицейининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Қаноат Муродова;

2) Қарши шаҳридаги 1-лицейининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Файрат Абдурахимов.

Рус тили ва адабиёти

I-ўрин — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани, 1-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Зинаида Ерембетова.

II-ўрин — Бухоро шаҳар иқтидорли болалар 1-интернатининг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси М.Бобоева.

III-ўрин:

1) Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри, 8-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Анпара Даужакова;

2) Бухоро шаҳридаги 16-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Галина Литвинова.

Рус тили ва адабиёти (ўзбек мактаблари учун)

I-ўрин — Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги педагогика тадқиқот фанлари илмий-

институтининг назария ва методика бўлимининг бўлим бошлиғи, педагогика фанлари доктори, профессор Валентина Андриянова.

II-ўрин — Сурхондарё вилояти Сарисиё тумани, Шарғун шаҳридаги 1-ихтисослашган мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Гўзал Миннихонова.

III-ўрин — Тошкент шаҳар 308-мактабнинг рус тили ўқитувчиси Моҳира Ҳамроқулова.

Қорақалпоқ тили

I-ўрин — Нукус шаҳридаги 17-мактабнинг ўқитувчиси Солият Отажонов.

II-ўрин — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси Шаҳзода Алламуродова.

Француз тили

I-ўрин — Хоразм вилояти Шовот туманидаги 1-мактабнинг француз тили ўқитувчиси Бозоргул Гулиметова.

II-ўрин — Наманган вилояти, Чуст шаҳри ўқитувчиси Омониллаҳон Ҳамидов.

III-ўрин:

1) Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли шаҳри, 62-мактабнинг француз тили ўқитувчиси Олтин Қошимбетова;

2) Андижон вилояти Булоқбоши тумани, Найман қишлоғи, 27-мактабнинг француз тили ўқитувчиси Соибжон Ёқубов.

Инглиз тили

I-ўрин — Бухоро вилояти, Шофиркон тумани 3-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Саноат Ҳотамова.

II-ўрин — Наманган вилояти Чуст тумани, 52-иқтидор-

ли болалар лицейининг инглиз тили ўқитувчиси Нигора Саматова.

III-ўрин — Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги 1-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Софья Дехқонова.

Математика

I-ўрин — Бухоро вилояти Шофиркон тумани математика ўқитувчиси Сайфиддин Бобоқулов.

II-ўрин — Самарқанд вилояти Нарпай тумани, 27-мактабнинг математика ўқитувчиси Баҳром Норкулов.

III-ўрин — Бухоро вилояти Жондор тумани, иқтидорли болалар 20-маҳсус интернатининг математика ўқитувчиси Қаҳрамон Усмонов.

Кимё

I-ўрин — ҳеч кимга насиб этмади.

II-ўрин — Қашқадарё вилояти Нишон тумани, Нишон номидаги 2-мактабнинг кимё ўқитувчиси Ботир Утепбергенов.

III-ўрин — Тошкент вилояти Оққўрғон тумани, Кўриқнайман қишлоғи кимё ўқитувчиси Мурод Алибеков.

Биология

I-ўрин — Фарғона вилояти Бойдод тумани биология ўқитувчиси Уктамжон Абдубокиев.

II-ўрин — Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани, 25-мактабнинг биология ўқитувчиси ЁкутжонХусаинова.

III-ўрин — Навоий вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг проректори Жўра Урчинов.

Тарих

I-ўрин — Бухоро шаҳрида-

ДТМ

**ТУШИМ ЎНГА
АЙЛАНСА...**

Ўқув йили охирида оналар мажлиси ўтказиб, қизлар учун янги ўқув йилига ҳаво ранг кўйлак ва оқ фартук тиктиришга келишиб олдик. Ахир, айримлар "Сўнги кўнгирик"қа йил давомида киймаган формани бир кунгагина тиктириб кийишни одат қилиб олгандилар. Биз эса формани йил давомида ва "Сўнги кўнгирик"қа кийишга қарор қилдик. Июль ойида тўпланган ҳамма пулни олиб (70000 сўмдан ортик) қизлар билан мато харид қилиш учун бозорга бордик. Ҳамма пул Муқаддаснинг сумкачасида эди. Менинг ҳам сумкамда анчагина пул солинган ҳамёним бўлиб, унинг олд кичик хонасига самарқандлик Азиза Боймуродовага ёзилган жавоб мактубим солинган эди. 61-мактаб ўқитувчиси Азизахон "Тонг юлдузи"даги мақоламини ўқиб, хаёлан мен билан суҳбатлашини, "Маърифат"да босилган мақолаларимни қидириб топиб ўқишини, устоз ва шогирд яқинлигининг умри узоқ бўлишини тилаб, мактуб сўнгида манзилгоҳимни ҳам сўраган экан. Мактуб "Тонг юлдузи"да босилиб чиққан, мактубни сўраб олдим ва унга жавоб ёзиб, алоқа бўлимига ўтмоқчи эдим.

Бозорда одам кўп, тўғри матолар сотиладиган растага бориб, 36 метр ҳаворанг ва 15 метр оқ мато олишимизни айтиб, сотувчидан ўлчаб беришни сўрадим. Қизларнинг айримларига бу ранг маъқул бўлмади, кейинги қаторга ўтдик. Шунда сумкам очилиб қолганини сездим, ёпмоқчи эдим, ҳамёним йўқлигини билиб қолдим... Хуллас, ўғри топилмади.

Уйга келиб ўйлай бошладим, ҳамёнимда хат бор эди. Азизахонга уй, мактаб манзилгоҳини, телефон рақимимни ёздим, балки ўғри инсофга келиб ўқитувчи экан, пулни қайтара қолай, деб уйимга сездирмай ташлаб кетса-я? Яна ўйлайман: мунча соддаман-а? Ахир, ўғри пулни олиб, ҳамёнимни олиб юборади, ҳамма катакларини кавлаб хат топиб ўқиб ўтирармиди? Уйимнинг охирига етмай... уйку элтибди, туш кўрибман:

Орадан бир ой ўтиб эрта тонгда мактабга отланган эмишман. Эшикни очганим, бир конверт ва дастурмолга ўралган бир нарса тап этиб тушиб кетганмиш. Очиб қарасам, анча пул. Хайрон қолдим. Конверт ичидagi мактубни ўқий бошладим.

"Ассалому алайкум, муаллима опа! Онам касаллиги тўғрисида қишлоқдан шаҳарга даволангани келган эдилар. Мен ҳам онамни кўргани Тошкентга шифохонага келдим. Шифокорлар онамга "Гемодез" заруригини айтдилар. Пулим кам эди. Кўзимга ҳеч нарса кўринмади. Мардикор бозоридан ҳам иш тополмадим. Ноилоҳ, бозорга бордим. Сиз ўндан ортиқ қизга мато харид қилмоқчи эканлигини эшитдим-у изингиздан тушдим. Ҳамёним олиш осон бўлди. Пулни олиб ҳамёнимни олиб юбормоқчи бўлдим, чиройли экан, кўзим қиймади. Дори олиб, онамга элтиб бердим. Онам соғайиб қайтдилар. Ҳамён янгилиги учун онамга совға қилдим, ичидан мактуб топиб олибдилар. Қолгани ўзингизга аён. Менга бир энлик "Кечирди", деб ёзиб юборинг, пулингизни қайтараялман. Онам мен билан гаплашмай қўйдилар".

Яхши ҳам Азизахон хат ёзган эканлар, деб уйку аралаш хаёлимдан ўтказдим.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг... Кексаларнинг шапшап кўра, тушни яхшиликка йўйиш лозим экан. Ажаб эмас, туш ўнгидан келса. Барибир, пулга эмас, шундай нобоп инсонлар ҳам бизнинг сабоғимизни оқламай, турли қинғир йўлларга кириб юрганларига ачинаман!

**... ШУ МАКТУБГА
АЛМАШТИРАР-
ДИМ**

Ҳаммамизга маълумки, Алишер Навоийнинг "Орадин ёпқоч..." деб бошланувчи газалидан ҳайратга тушган устози Мавлоно Лутфий унга юксак баҳо бериб, шундай дейди: "Валлох, агар муяссар бўлса эди, ўзумнинг ўн-ўн икки минг байтимни шу газалга алмаштирадим ва буни ўзимнинг катта ютуғим деб ҳисоблар эдим". Буни бежиз эсламадик. Ўқувчиларим орасида шундай нодир истеъдоқ эгаси борки, мен унинг дарғ ила ёзилган мактубидан қанчалар ларзага тушдим. Мактубни айнан таҳрирсиз келтирмоқчиман:

"Ассалому алайкум, нотинч замоннинг ортиндан эмас, ҳар доим у билан ёнма-ён юрвчи азиз устозим Маҳмуда опа! Бугун фақат Сизга, Сизга аталган, юрагимнинг тубларига чўккан, ҳатто уни тилимнинг қалити, дилимнинг қармоғи ҳам кутқаролмаган сирларини айтаялман.

Қалбимдан наҳот тополмай, мени қийнаётган, мусаффо ҳаводан биров бўлса-да энгил нафас олишни хошлаётган, мурғак кўксимни тилиб ташлаган алланималар бугун эркинликда. Улар сизга юрагимдаги армонларимни фош қилаётганимдан безовта.

Қалбим вайронадур, танам ёнадур,
Бу мурғак жисимни нелар

рим оқди.

Устоз, мақола ёзишда камчиликларим бўлса айтсангиз, мен уларни тўғрилашга ҳаракат қиламан. Сўзларим малол келса, кечиринг. Уйингизда тинчлик бўлиб, ортидан бахт одимласин!"

Мактуб ёш қалбнинг изтироблари эди. Неча кунгача Дурдонани қандай юпатишни, чўккан кўнглини қандай кўтаришни билолмай қолдим. Кўпинча, ўқувчиларимга эркин мавзу бериб ёки газетадаги воқеаларга муносабат билдириб, иншолар ёздирардим, маъқулларини даста-даста қилиб таҳририятга берардим. Мақолалар саҳифа бўлиб чиқса қувонибману, аммо кимнинг мақоласи қолиб кетганига эътибор бермабман. Ваҳоланки, Дурдона сара мақолалар ёзарди. "Сухандон" ва "Конферансье" кўрик-танловларининг голиби эди.

Эсласам, она тили дарслиги ҳақида ҳам энг холис фикрларни у билдирган эди. "Синфдош" журналининг бўлиму муҳаррири Жамила Тожиева мактабимизга келиб, мени хижолатликдан кутқарди, мактабдошлари қатори Дурдонанинг ҳам сурати ва мақоласи "Синфдош"да эълон қилинди. Шу-шу газетага юборилган ҳар бир мақола тақдирига қизиқадиган бўлдим. Ахир, мақола ортида бола кўнгли, умиди турибди.

Дурдона, газета орқали сенга шундай демокчиман:
— Мактубинг мени ўқувчилар қалбига янада яқинроқ

дебди. Нодира бу гапдан кейин уялиб, ота-онаси келса, уларни тез кетказиб юбориб, хонага ширинлик, олмасут-қатик кўтариб кириб, "Синфдошларим ва синф раҳбарим келдилар", дер экан. Ҳар кунни бизни кутибди, уйдагилари бизни безовта қилгиси келмай, унинг шифохонага тушганини айтмаган эканлар.

Ўқувчининг ширин ёлғонидан, синфдошлари обрўйини сақлаганидан хурсанд бўлдим, 12 кунлик таътил давомида бирор марта хабар олмаганимиздан эса ўқиндим. Шу воқеа сабаб, Жавлон Чилонзорда даволанганида синфдошлари ҳар кунни 4 нафардан бўлиб Жавлоннинг адаси билан кўргани бориб турдилар. Ҳозир синфдаги ўқувчилар ахил, бир-биридан хабардор бўлиб туришади, шифохонага боришга баъзан ружат бермайман, қачонки дарсдан кетиб бормоқчи бўлсалар.

МЕТРИКА...**АМЕРИКА****ҲАҚИДАМИ?**

Янги йил арафасида бизни "Нурли келажак" кўрсатувига тақлиф этишди. Ижодкор ўқувчиларимдан Муқаддас, Сурайё, Шахнозаларни олиб кўрсатувга бордим. Сурайё тугилганлиги ҳақидаги гувоҳнома - "метрика"ни олишни унутибди. Қанча илтимос қилмайлик, соқчи уни киритмади. Уйига кўнгирик

БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ**ёки мактаб ҳаётидан айрим лавҳалар**

ёқадур?

Устоз, бу мактубни кўлимдаги ручка "ёзма" деса, бутун борлигим "ёз" дейди. Менда иккиланиш кучли, яхшилик қилганларни мақтолмайман, ёмонликни ниқоб қилиб олганларнинг айбини рўй-рост айтмайман. Барини дилимнинг тўрига, юрагимнинг устига кўрпачалардек тахлаб қўяман.

Ёдингиздами, газетада она ҳақидаги илк мақолам чиққан эди. Уйдагилар роса хурсанд, адам мақоламини ўқиб, ҳаммага мақтанган эдилар. Сизни қанча мақташса, шунча суюниб, мақолалар ёзингиз келар экан. Уша кундан бошлаб яна мақолалар, шеърлар ёздим, ёзганларимни Сиз мақтардингиз ва "Тонг юлдузи"га бериш учун олардингиз. Газетанинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутишларим бефойда бўлди. Синфдошларимнинг мақолалари кетма-кет чиққанидан хурсанд бўлсам, ўзимнинг мақолам чиқмаганидан кўзим эмас, кўнглим йиғларди. Йиллар ўтди, мақолалар ёзишни тўхтатмадим. 9-синфда синфдошларим билан она тили дарслиги ҳақида мулоҳазалар билдириб, иншо ёздик. Барно, Севара, Азиза, Нилуфар каби синфдошларим қаторида менинг ҳам ёзганларимни олиб газетага юбордингиз. Не умид билан кутдим. Ниҳоят, синфдошларимнинг сурати ва мақолаларини бутун Ўзбекистон газетасида кўрди, менинг кўз ёшларимни кўзгугина кўрди, холос. Менинг мақолам яна чиқмади.

"Энди ҳеч қачон, ҳеч нарса ёзмайман", деганимда, Сиз яна мақолалар ёзишга ундадингиз. Яна ёздим, сайлов ҳақида ёзганларим ҳам "имтиҳондан ўтолмай йиқилди". Олимпиада ҳақида ҳам синфдошим билан мақола ёзгандик. Уники чиқди-ю... "Тонг юлдузи"ни кўрмоқчи бўлиб, Н.дан сўраган эдим, "Сенинг мақоланг чиқмабди" деди. Бутун вужудим булутга айланди ва ундан селданин кўз ёшлар

бўлишга, бепарқ бўлмасликка ундади. Балки бадиий асарларда бундай ўхшатишлар учрамай, "кўрпачалардек тахлаб қўяман", "ёзганларим имтиҳондан ўтолмай йиқилди", "вужудим булутга айланди" каби ибораларинг, кўнглингдаги изтиробларинг, андиша қилиб, йиллаб сақлаб юрганинг, сўнг менга ишониб мактуб битганинг, бу мактубинг билан мени тўғри йўлга бошлаганинг учун сендан хурсандман, айнаи вақтда хижолатдаман. Агар илож бўлсайди, мен ҳам сенга "Барча ёзганларимни шу мактубга алмаштирадим", дейишга тайёрман.

Муҳтарам ҳамкасбларим! Амминманки, сизнинг ҳам ўқувчиларингиз орасида ижодкорлари кўп. Вақтида уларнинг ижод намуналарини ўқиб, фикрингизни билдириясизми? Ёзганларини газетаси йўллашни, мақоласи чиқса, бир оғиз табриқлаб қўйишни унутмаяпсизми?

"ШИРИН" ЁЛҒОН

Синфимга янги ўқувчи келди. Тез орада янги синфдошлари билан чиқишиб кетди. Биргалиқда музей, киноларга, шифохонада ётган синфдошларини кўргани борди.

Қишки таътилга чиқдик. Таътилда Аброр Ҳидоятлов номидаги театрга бордик, бирок Нодира келмади. Уйи узоқ бўлгани учун ҳеч ким хабар ҳам олмади. Уқиш бошлангач, 3 кундан сўнг Нодира мактабга келди ва шифохонада ўн кун даволаниб чиққанини айтди. Биз беҳабар қолганимиз учун боролмаганимизни айтдик. Нодира хафа бўлмади.

Дарсдан сўнг Нодира ёнимга келди ва "Устоз, 9-"В" синфдаги Гўзалга шифохонага боролмаганиларингизни айтманг" деб қолди.

Маълум бўлдики, у Гўзал билан бир хонада ётган экан. Гўзал "Синфингиз ахил, ҳали сени кўргани келишади, менга эса келишмаса ҳам керак",

қилиб, акасида гувоҳнома-ни олиб келиб беришини сўрадик. 20 дақиқада гувоҳнома ни етказиб келишди ва ичкарига кирдик.

Кўрсатув тўғридан-тўғри эфирга кетар экан. Қизлар шеърларидан ўқиб беришди. Бошловчи ва кўрсатувни олиб борувчи Дилором (фамилияси ёдимда йўқ) Сурайёга саволлар бера бошлади. Сурайё ижодкор ўқувчилар анжуманидан олган таассуротлари ҳақида гапириб, янги шеърларидан ўқиб берди. Бирдан бошловчи яна савол бериб қолди:

— Келгусида нималар ҳақида ёзмоқчисиз?

— Метрика ҳақида. (Сурайёнинг хаёли ҳали ҳам студияга қийналиб киргани, гувоҳномасининг қолиб кетгани ҳақида эканми ё билмай айтиб юбордим, ўзи ҳам билмайди).

— Америка ҳақидами? (Билмадик, Дилором шундай эшитди ёки ҳозиржавоблик билан Сурайёнинг хатосини тўғрилаб юбордим). Жуда яхши, фақат Америка ҳақида рост ёзиш учун аъло ўқишингиз ва тил ўрганиб Америкага бориб, кўриб ёзганингиз маъқул. Сизга омад тилаймиз, — дея кўрсатувни якунлади.

Шу-шу ҳазиллашаман:

— Метрика эсингдами?

— Эсимда, Америкага бормагунча эсимдан чиқмайди.

Сурайё Республика ижодкор ўқувчилари 3-анжумани Голиби, ҳозир Тошкент Давлат маданият институтини талабаси, истардимки, насиб этиб Америкага отланса, самолётга чиқиб олдида паспортини унутмасин, негаки ёнида энди камчилигини тўзатиб юборадиган Дилором опаси бўладими, йўқми?

"ФАХРИЙ ЁРЛИҚ"**НЕЧА ПУЛ?**

Туман халқ таълими бўлими мудири Маъсуда Одилова яхши тақлиф айтиб қолдилар: "Мактабингизда су-

хандонлар синфи очсангиз, улар учун махсус соатлар ажратиб бериб, дарс жадвалига киритамиз. Нотиклик санъатини ўрганишса яхши бўларди". Бу тақлифдан қувониб кетдим ва кўлимдан келганча дастур тузиб, ШҶМОИ она тили ва адабиёти хонаси мудири Феруза Мухамедовага дастуримни тасдиқлаштириб, иш бошладим. Кўп ўтмай "Конферансье-97" кўрик-танловининг туман босқичида 14 ўқувчи қатнашиши маълум бўлди. Шундан 2 нафари бизнинг мактаб ўқувчилари эди. Танлов бўлиб ўтди ва айрим қатнашчилар келмагани учун яна 4 ўқувчим танловда қатнашди. Қўшимча таълим мажмуаси раҳбари Елена Зокирова Дурдона исмли ўқувчига совға ва фахрий ёрлиқ топширди. Қолган ўқувчиларимга раҳматнома эълон қилди.

Кўчага чиққач, Гўзал исмли ўқувчим "Устоз, "Фахрий ёрлиқ" неча пул?", деб сўраб қолди. "Билмадим, нега сўраяпсан?" ажабландим мен.

—Оғзаки раҳматномадан кўра "Фахрий ёрлиқ" беришса яхши бўларди-да!

Рост-а, бола кўнгли подшо. Қайтиб кириб улар илтимосини Елена Зокировага айтдим:

—Вой қизлар-ей, уларга боя "Фахрий ёрлиқ" 6 та эди, I, II, III ўрин сохибларига бердик" деб тушунтирдим. Буни қаранг, ортиқча "Фахрий ёрлиқ" ҳам йўқ эди. Қизларингиз истеъдодли экан, берса арзийди-ю...

Хуллас, қизларга қўшимча таълим маркази муҳри босилган оппоқ қоғозга раҳматнома ёзиб берилди. Улар хурсанд қайтишди.

Ха, болалар меҳнатига бахони кутади. Биз эса баъзан у, бу йўқлигини баҳона қилиб, уларни ўз вақтида рағбатлантира олмаймиз. Натижанда улар турли танлов, олимпиада, беллашувларда қатнашишни хошламай қоладилар. Ахир, танловдан қайтган ўқувчидан, албатта, синфдошлари натижани сўрайдилар.

Бир мактабда "Балли, қизлар!" танлови ўтказилаётган экан, бордик. Танлов чиройли ўтди ва 3 голибга қимматбахо совғалар берилди. Ҳавасим келди ва ҳомийлар кимлигини сўрадим. Устозлари:

— Ўқувчиларнинг ўзи-да, деди. Ҳайронлигимни кўриб тушунтирди. Маълум бўлдики, ўқувчиларни тақдирлашга маблағ йўқлиги учун ўзлари совға ташкил этар эканлар. Кейинчалик бу усул ўқувчиларга ҳам қимматга тушиб, совгани ўқувчининг ўзи уйдан олиб келадиган бўлибди.

Билмадим, буни қандай баҳолаш керак?

Оқлай ҳам олмадим, айнаи вақтда қоралаб ҳам бўлмади. Ҳамма нарсани ХТБдан кутиб ўтирадиган вақт эмас. Қанийди, маичт қураётган савоатпешалар, тўйларда муносабат сўмларни санъаткорларга қистираётган хотамтойлар, фарзандлари ўқийган мактабга "Фахрий ёрлиқ" қоғозларига, совғалар, китоблар олиб беришса-ю, устозлар йил давомида уларни голибларга улашса. Шунда ўқувчиларни "Фахрий ёрлиқ" неча пуллиги қизиқтирмас эдимми?

Балки биз, устозлар оналарга бу арзимас, лекин болани рағбатлантириш учун зарур масалани тушунтирмоғимиз лозимдир. Ахир, фарзанди қўлида "Фахрий ёрлиқ" кўрган қайси ота-она қувонмайди, дейсиз. Аввалгидек, синфдан синфга аъло баҳо-ларга кўчган юзлаб ўқувчилардан "Фахрий ёрлиқ"ларимизни аямайлик. Улар ҳам нимагадир интилиб ҳаракат қилишади-ку! Сиз нима дейсиз, азиз ҳамкасблар ёки сизларда бу муаммо ечилганми?

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Юнусобод туманидаги
274-мактабнинг олий
томфали
она тили ва адабиёти
фани ўқитувчиси**

Биз Самарқанд Давлат университети қошида ташкил этилган ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқитувчилари малакасини ошириш марказида ўз малакасини оширдик. Бу ерда бизга университетнинг етакчи профессорлари ва малакали ўқитувчилари дарс беришди. Айниқса, "Физика фанини академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқитишнинг

ФИЗИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ БИРЛАШТИРДИ

ҳозирги муаммолари" курсидан дарс берган физика-математика фанлари доктори, профессор Облокул Кувондиқовнинг маърузалари ўта сермазмун ва қизиқарли бўлди. Бу физика илмини ўта чуқур билувчи олимнинг ҳар бир маърузасида ушбу фаннинг ҳозирги ҳолати, унинг турмушда қўлланилиши

ҳақида маълумотлар, хуллас, XXI асрда физика таълимининг концепцияси қандай

Malaka oshirish

бўлиши ҳақида, ҳатто физика бўйича яқинда Нобель мукофотида сазовор бўлган академик Жорж Альферовнинг

фаолияти тўғрисида, хорижда ва мамлакатимизда физика фанига оид йирик-йирик анжуманларда муҳокама қилинаётган масалалар ҳақида мароқли суҳбатлар бўлди. Шунингдек, О.Кувондиқов академик лицей ва касб-хунар коллежларида физикани ўқитишнинг асосий методик томонларини чуқур

ёритиб, ушбу турдаги таълим муассасаларида махсус физика хоналари ҳамда замонавий лабораторияларни жиҳозлаш бўйича ҳам маслаҳатлар бердилар. Бундан ташқари, физикани ўқитишда энг замонавий педагогик технологиялар ва энг янги ахборот тизимларидан фойдаланиш бўйича ҳам тавсиялар ҳамда маслаҳатлар олдик.

М.САИДОВА, Т.КОДИРОВ,
курс тингловчилари

Навоий вилоятида ёшларни касб-хунарга йўналтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар аҳамиятга моликдир. Ана шу эзгу мақсадлар шиори остида бутунги кунда Нурота шаҳрида 750 ўринли педагогика йўналишидаги касб-хунар коллежи ўқув биносининг қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаётир.

ҚУРИЛИШДА ИШЛАР ҚИЗГИН

Мазкур коллежда қурилиш ишларини олиб бориш тендер асосида "Навоий Деҳқон" қурилиш-ҳиссадорлик жамияти қурувчиларига топширилган бўлиб, у объектнинг бош пудратчиси ҳисобланади. Шунингдек, қурилишда 6-механизациялашган кўчма колонна, "Амир Темури" ҳамда "Рус-там" каби, жами 13 тадан ортиқ қурилиш ташкилотлари пудратчилари иштирок этишмоқда. Айни чоғда мазкур объектда қурилиш-монтажлаш ишлари икки сменада ташкил қилиниб, унда 650-700 нафардан зиёд қурувчилар астойдил меҳнат қилишмоқда.

Ўткир ПЎЛАТ

ТЕЗ, ОСОН ВА САМАРАЛИ

Бухоро вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидаги 43 та ўқув юрти қарийб 6 ойдан бери электрон почта воситасида жаҳон "Интернет" тармоғидан фойдаланмоқда. Шу тариқа ўқув юртларида барча компьютерлар замонавий модемлар орқали дунё ахборот кенглигига бемалол чиқаётир. Бу бекиёс воситани таълим жараёнида қўллаш имкониятини яратиш учун бошқарма 1 миллион 400 минг сўм миқдорда маблағ сарфлади. Мазкур маблағнинг 800 минг сўмдан ортиғи тизим ўқувчиларининг ишлаб чиқариш фаолиятдан тушган даромадлар ҳисобидан бўлиб, бу бюджетдан катта миқдорда маблағни иқтисод қилиш имконини берди.

Айни пайтда тизимда дарслик, қўлланма ва конспектларнинг электрон кутубхонасини яратиш бўйича кенг кўламда амалий ишлар олиб борилмоқда. Оператор Олим Шарипов бир гуруҳ дастурчилар билан ҳамкорликда

касб-хунар таълимига доир дарсликлар, маърузалар конспектлари матнини "ЭХМ тили"га кўчиришди. Бу академик лицей, касб-хунар коллежлари ва бошқа ўқув юртлари ўқитувчи, муҳандис-педагоглари ўз иш жойларида туриб, мазкур китоблар матнини компьютерлари мониторингидан ўқишлари, зарурият туғилганда ундан нусха кўчиришлари имконини бермоқда. Электрон кутубхонадан ўқувчиларнинг бемалол фойдаланишлари учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ўзига хос бой манба, дарслик ва дастурлар нисбатан тақчил бўлган ҳозирги шароитда, муаммонинг энг қулай ва самарали ечимидир. Келгусида бошқарманинг электрон кутубхонасини жаҳон касб-хунар таълими тизимидаги дарслик ва қўлланмалар, тармоқ адабиётлари билан бойитишга қаратилган амалий ишлар олиб борилаёпти.

Ж.ИСМОИЛОВ,
"Маърифат" муҳбири

Тошкент юридик коллежида прокуратура ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳар прокуратурасининг прокурори К.Синдаров маъруза қилиб, ёшларга диний экстремизм ва терроризм ҳақида тушунча берди. Маърузачи айрим ёшларимизнинг ваҳобийлик оқими, диний

ПРОКУРОРЛАР МУЛОҚОТИ

экстремизм нима эканлигини англаб етмай, бу йўлга кириб қолганликлари хусусида сўз юритди. Акмал Икромов тумани прокурорининг ўринбосари Х.Эгамбердиев ўз маърузасида диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш қандай олиб борилаётгани ҳақида гапирди.

Маърузалардан сўнг коллеж ўқувчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Мархабо ИСМАНОВА,
коллеж руҳшуноси

ДАСТАЛАР ТАЙЁРЛАТ АҚИДА...

Меҳнат таълими дарсларида 5-6-синф ўқувчилари билан оддийдан мураккабга тамойилига асосланиб буюм дасталарини ясаш мақсадга мувофиқ. Ўқитувчи ўқувчиларга буюм, унинг дастасини ясаши олтидан ушбу дасталардан ҳар бирининг расмларига қараб тахминий ўлчамларини устахона ёзув тахтасида кўрсатади. Ҳар бир буюм шаклини тушунтириш борасида ўқувчиларга ушбу буюм шакллари ни ўлчашда математика, геометрия, тасвирий санъат дарсларига боғланишини уқтириб, иш бошлайди. Бу дарсда чакич, жува, ёйғич, ўқлов, тўқмоқ, қозон қопқоғини катта ўлчамда ясашнинг иложи бўлмаса, уларни кичик кўринишда тайёрласа ҳам бўлади. Мақсад — ўқувчиларда ишлаш иштиёқини шакллантириш.

Теша, болта, кетмон, ўроқ, белкурак, тўқмоқ, жува, ёйғич, ўқлов дасталари асосан тол, оқ қарагай, қайрағоч дарахтларидан тайёрланади. Чунки бу дарахтлар эгилювчандир. Дасталарни тайёрлашдан олдин ёғочнинг бутоғи йўғи танлаб олинади. Болта, тўқмоқ дасталари эса, асосан, ёғоч ёғочидан тайёрлана-


ди. Устоз ўқувчиларга ёғоч турларини кўргазма воситалари орқали кўрсатиб, ҳар бир буюм дастасининг аниқ ўлчамини, яъни унинг узунлиги, эни, қалинлигини айтиб, арра ёрдамида арралаб кўрсатади. Ранда билан рандалаш олтидан верстак (дастгоҳ)-ка ўрнатиб, тиғи ўткир ранда билан оҳиста рандалайди. Қўлга зирапчаси кирмаслиги учун кум қоғоз, жун ёрдамида ишқалаб силлиқ қилишни ўқувчиларга кўрсатади.

Теша, болта, ўроқ, белкуракларга, тўқмоқ тешигига тушадиган жойи рашпил ёрдамида аниқ ўлчаниб олинади. Пона, бурама миҳ ёрдамида, тўқмоқда эса елим билан маҳкамланади. Жува, ёйғич, ўқлов дасталари олдин қўлда "хомаки" рандаланиб, ўрта доираси аниқ чизиб олингандан сўнг, токарлик дастгоҳига ўрнатилади. Барча иш жараёни устоз назорати остида бўлиши керак. Даста диаметри камайиб кетмаслигини ўқитувчи назорат қилиб туради. У тайёр бўлгач, ботик, дўнг жойлари нов ускана ёрдамида силлиқланади.

Қозон қопқоғини ясашда ҳар ким ўз уйидаги қозонининг энини ўлчаб

келиб, ўшанга асосан тахталарни арралайди. Қозон қопқоғи тўртбурчак ҳолатида 20-30 мм. қалинликдаги тахтадан тайёрланади. Эни бўйига етарли қилиб верстакда икки томони рандаланади. Устига ўрта даста рейкасини ўрнатиб миҳланади. Икки томондаги чекка рейкалари миҳлангач, ўлчамга асосан циркуль ўртасига қўйилиб, доира чизилади. Туртма арра ёрдамида айлана нишаб қилиб арралангандан сўнг буюм тайёр ҳолатга келади. Қуйида ушбу дасталарнинг аниқ ўлчамлари кўрсатилмоқда:

Теша даста ёғочининг узунлиги 40 см, эни 40 мм, қалинлиги 40 мм.
Болта даста ёғочининг узунлиги 50 см, эни 70 мм, қалинлиги 45 мм.
Чакич ёғочининг узунлиги 13 см, эни 70 мм, қалинлиги 70 мм.
Кетмон, белкурак, паншаха, хаскаш дасталарининг узунлиги 120 см, эни 50 мм, қалинлиги 50 мм.
Ўроқ дастасининг узунлиги 11 см, эни 50 мм, қалинлиги 40 мм.
Ёйғич, жува ёғочининг узунлиги 40-



50 см, эни 60 мм, қалинлиги 60 мм.
Тўқмоқлар асосининг узунлиги 11 см, эни 90 мм, қалинлиги 70 мм.
Тўқмоқ дасталарининг узунлиги 40 см, эни 45 мм, қалинлиги 45 мм.

Тузувчи: Анвархон АҲМАД
қори ўғли,
олий тоифали меҳнат муаллими

Vaqt:
talaba
va ta'lim

Тошкент автомобил ва йўллар институти Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 1971 йил 27 декабрдаги 607-қарорига биноан, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1972 йил 21 январдаги 27-буйруғи билан Тошкент Политехника институтининг автомобиль-йўллар факультети негизда ташкил қилинган.

Институт автомобил транспорти ва йўл хўжаликлари учун кадрлар тайёрлайди. Аини вақтда таълим **АВТОМОБИЛСОЗЛИК, АВТОТРАНСПОРТ, АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ, ИҚТИСОДИЁТ** факультетлари негизда ташкил этилган.

Институт ректори, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" Сарвар Қодиров билан уюштирилган суҳбатда мазкур даргоҳнинг бугуни ва келажак ҳақида сўз боради.

қондиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, 310 нафар илмий даража, катта ҳаётий тажрибага эга профессор-ўқитувчиларимиз фаолият кўрсатишмоқдаки, улар келажак бугундан бошланишини, бунинг учун билим ва имкониятлар ишга солинишини юракдан илғайдилар.

— Дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар таъминоти ҳақида нима дея оласиз?

— Дарслик ва ўқув қўлланмаларисиз ҳар қандай илм даргоҳи эшаксиз қайиқдек бўлиб қоларди. Соҳа учун илмий манбалар бизга осмондан тушмайди. Ўтган давр ичида институтимиз олимлари томонидан 26 та дарслик, 88 та ўқув қўлланмалари ва 500 дан зиёд ўқув-услубий материаллар тайёрланди. Ҳамдўстлик мамлакатлари йирик олимларининг 4 та дарслик ва ўқув қўлланмалари дав-

МИНТАҚАВИЙ
МУАММОЛАРГА
БАҒИШЛАНДИ

Яқинда институтда "Марказий Осиё минтақасида автомобил ва йўллар комплексининг ривожланиши ва самарадорлиги"га бағишланган халқаро илмий-техник анжуман ўз иштини якунлади. Шунинг қувонч билан таъкидлаш керакки, бу анжуман анъанавий бўлиб, ҳар 4 йилда бир марта чақирилади. Аввалги конференция 1996 йилнинг октябрида ўтказилиб, у "Марказий Осиё минтақасида автотранспортни ва транзит коммуникацияларини ривожлантириш

Anjuman

муаммолари"га бағишланган, 148 та маъруза тингланган эди.

Бу галги катта йиғин ҳам йирик масалаларни қамраб олганлиги билан характерланади. Институтимиз Марказий Осиё минтақасининг базавий илмий маркази дея тан олинган. Бу эса унинг илмий-техника салоҳиятини янада ривожлантиришга, халқаро дастурлар бўйича ишларни фаолаштиришга ёрдам беради.

Грузия, Қирғизистон, Тожикистон, Россия, Туркменистондан келган делегация вакиллари автомобилсозлик соҳасидаги ҳозирги муаммоларни муҳокама қилишди.

Акмал МУҲИДДИНОВ,
илмий ишлар бўйича
ректор муовини
вазифасини бажарувчи

КЕЛДЖАК БУТУНДАЖ БОШЛАЖАДИ

— Автомобилсозлик бутун дунёда жадаллаб кетди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам бу соҳага дадиллик билан қўл урилди. "ЎзДЭУ авто" ва "Самкочавто" заводларининг ишга туширилиши катта ютуғимиз эканлигини бутун дунё кўрди, тан олди. Автомобилсозлик соҳасининг янада ривожланишига институт жамоаси қандай ҳисса қўшиши мумкин, деб ўйлайсиз?

— Тўғри таъкидладингиз. "Нексия", "Тико", "Дамас" автомашиналари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётганидан кўз қувонади. Бундан 9 йил аввал ўзбек автомобиллари ишлаб чиқарилишини ёки унинг жаҳон бозорига чиқишини тасаввур ҳам қилолмасдик.

Автомобил транспорти жуда серқирра, серкўлам соҳа. Институтимиз тарихида илмий-техник муаммоларга ечим топишга уринаётган даргоҳ ҳисобланади. Ўтган давр мобайнидаги бутун илмий-тадқиқот ишлари "Республика автомобиль йўл комплексини ривожлантириш ва унинг самарали амал қилиши" муаммоларига бағишланган. Булар 6 та устувор йўналишларни ўз ичига олади. Яъни автомобилсозлик ва автосервисни ривожлантириш, транспорт ва йўл хўжалигида энергетика ҳамда экология, транспорт коммуникацияларини қуриш

ва улардан фойдаланиш, автомобилларда юк ташишнинг ҳозирги замон технологияси ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, автомобиль-йўл комплексини бозор муносабатларига ўтказиш, ниҳоят, олий мактаб муаммолари.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ТАЙИ олимлари Фан ва техника Давлат Қўмитасининг 14 та давлат илмий-техника дастури ижросида қатнашади.

— "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг ижросини таъминлаш қай даражада ҳал этилмоқда?

— Ҳар бир соҳага, хусусан автомобилсозлик тармоғига ҳам пухта билимга эга, зукко, тадбиркор мутахассислар керак. Институтда миллий дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда, таълим бакалаврият ва магистратура босқичларида ташкил этилган. Жорий йилда ўрта йўналиш бўйича 800 нафар талаба қабул қилинди. Жами 3200 нафар йигит-қизлар таҳсил олашаётир. Уларнинг 162 нафари ўз илмий салоҳиятини намоён этишга бел боғлаган магистрантлардир.

Табиики, илм олмоқ, эгалламоқ учун шарт-шароит талаб қилинади. Заҳираси 365 минг нусхани ташкил этган кутубхона, "Интернет", электрон почта, аудитория, кафедра, ётоқхоналар талабалар эҳтиёжини

лат тилига таржима қилинди.

— Замон доимий тараққиётда. Биринчи ўзбек энгил автомобилни яратиш устида иш олиб бораётган экансизлар?


— Орзуга айб йўк, дейдилар. Ўзбек автомобилининг яратилиши анчадан бери тинчимизни ўғирлаган эди. Дастлаб, бунинг урдасидан чиқармиканмиз, деган иккилик ҳам бор эди.

Ниҳоят, узоқ йиллик изланишлар махсули — биринчи ўзбек энгил автомобили лойиҳаси яратилди. У барча қулайликларга эга бўлиб, "Сано" деб номланади. Ҳозир ихчам кўринишга эга бу автомобилни йиғиш тараддудидамиз. Бундан ташқари, фермерлар учун мўлжалланган "УАЗ — фермер" автомобили ҳам яратилдики, у ишлаб чиқаришни ривожлантиришда қўл келади. 100 км масофага 8 литр дизель ёқилгиси сарфлайдиган бу транспорт воситаси 1,5 тонна юкни ташиш қувватига эга.

Реал ишлардан ташқари, маънавий-маърифий масалалар ҳам ўз вақтида амалга ошириляпти. Ўйлайманки, ҳар бир олий ўқув даргоҳининг истиқболи унинг ўтмиши ва бугундан бошланади. Демак, институтимиз жамоасининг барча саъй-ҳаракатлари ёрқин келажакка қаратилган.



Суратларда: институт ҳаётидан лавҳалар.



Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Институтимизда 1995 йилдан бошлаб иқтидорли талабаларни алоҳида гуруҳларда ўқитиш йўлга қўйилди. Уларнинг асосий қисми магистратурада ўқишмоқда. Ўйлаймизки, грант асосида ўқиётган магистрларимиз 2001 йилда профессор-ўқитувчилар сафига келиб қўшилади ва махсус кафедраларда рақобат пайдо бўлади.

Институтда иқтидорли талабалар билан ишлаш комплекс дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ 1-курсга кирган тала-

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР МАРКАЗИ

балар орасидан математика ва чет тилларини чуқур ўзлаштирган ҳамда интеллектини намоён қилган йигит-қизлар танлаб олинади. Ҳозирда улар 180 нафар. Бундай талабалар учун алоҳида гуруҳлар ташкил қилинган.

Маърузалар, асосан муаммоли мавзулар энг тажрибали профессор-ўқитувчилар, шу жумладан чет тилида дарс бера оладиган мутахассислар томонидан ўқилади. Ўқув дастуридан қолган мавзуларни талабалар кутубхонада

улар учун ажратилган алоҳида хоналарда мустақил ўрғаниб, дарс пайтида семинар тарихида маърузалар қилишади. Бундай ўқитиш усули профессор-ўқитувчини ҳам, талабани ҳам доимо изланишга, ўз устида кўпроқ ишлашга ундайди. Уларга бундай шароитни яратиб бериш, моддий рағбатлантириш мақсадида, ўқитувчиларнинг ойлик маошларига, талабалар томонидан сўров асосида берилган баҳога қараб рейтинг асосида устама ҳақ бел-

гиланади. Уларнинг ўқув юк-ламалари 30 фоизга камайтирилади. Талабаларга эса 1,5 баравар миқдорида кўп стипендия берилади, шу жумладан тармоқ корхоналари ҳисобидан ҳам махсус стипендиялар тайинланади.

1999 йил август ойида институтда "Ўзавтосаноат" давлат уюшмаси бошлиқлари билан учрашув ўтказилиб, унда 1998-1999 ўқув йилида институтни тугаллаган биринчи иқтидорли бака-

лаврларга диплом топширилди.

Институтда ташкил қилинган иқтидорли талабаларни танлаб олиш ва ўқитиш тизими келажакда Ўзбекистон халқ хўжалигини етук кадрлар билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшади.

Мадамин ОРИФЖОНОВ,
иқтидорли талабалар ва магистратура билан ишлаш маркази раҳбари

Саҳифани Хулқар
ТҶИМАНОВА тайёрлади

**Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing,
asrab-avaylang!**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги I-синф учун дарслик сифатида тавсия этган ушбу китобча аввало болаларбоплиги билан киши диққатини ўзига тортади. Унда келтирилган уқтириш хатида дарсликнинг яратилиш зарурати шундай изоҳланади: "Ҳозирги авлод ўз бобоқолонлари яратиб кетган маданий ва маънавий меросни, урф-одатларни, ўз миллий анъаналарини қадриятларини қабул қилиб оли-

"Одобнома" дарслиги 8 та бўлим ва шу бўлимларга тақсимланган 36 та мавзунини ўз ичига олади. Огдийдан мураккабга тамойилига амал қилинган бўлиб, ранг-баранг суратлар, шеърлар, кичик-кичик матнлар, мақол ва ҳикматлар, ҳақиқ сабоқлари, шунингдек, болани фикрлашга ундовчи савол ва топшириқлар 6-7 ёшдаги болалар руҳига жуда мос.

Ўқувчининг "ОДОБНОМА"СИ


ши ва улар ҳам ўз навбатида келажак авлодга мерос қилиб қолдиришлари учун шунга лойиқ тарзда тарбияланишлари, соғлом ва илм-маърифатли бўлиб камол топишлари лозим".

Дарвоқе, халқимиз тарбияшунослик бобида бошқа миллат вакилларига ибрат бўлаган анъаналарига эга. Демак, ана шу қадриятларимиз қандай бўлса шундайлигича ёш авлодга узатилиши керак. Айниқса, бу ишни умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлариданоқ йўлга қўйиш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

"Одобнома" дарслиги кўп йиллик ҳаётий ҳамда педагогик тажрибага эга профессор Ойша Ҳасанбоева ижодининг маҳсулидир. Муаллиф дарслик устида жиддий ишлаганлиги сезилади. Зеро, дарслик яратиш ҳаммининг ҳам қўлидан келвермайдиган.

Азиз ўқувчилар! "Одобнома" сизники, ундан самарали фойдаланинг, эҳтиётлаб тутинг. Чунки у келгусида изингиздан келаятган укаларингизга ҳам керак бўлади.

Х.ТҲЙМАНОВА



Бугунги кун ўқувчисини фақат дарсликка оид материаллар билан қизиқтира олмаслигимиз аниқ. Бу борада дарсларимизни мавзусига қараб синфдан ташқари жойларда, хусусан, мактаб маънавият ва маърифат хонасида, театр ва музейларда, ишлаб чиқариш корхоналарида, тарихий жойлар ва табиат қучоғида, ҳатто очик осмон остида уюштириш ўз самарасини бермоқда.

Шовот туманидаги 9-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Гавҳаржон Матқурбонова ҳар бир ўқувчининг китобга ошно бўлиши тарафдоридир.

Суратда: устоз Гавҳаржон Матқурбонова ўқувчилар билан кутубхонада.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Бола улғайган сари онги ва тафаккури шакллана бошлайди, айни шу пайтда ота-онанинг олдида муҳим вазифа — фарзандининг онгига яхши фазилатларни сингдириш туради.

Буюк немис композитори Людвиг ван Бетховен "Болаларингизга яхшиликни сингдириб ўстиринг, уларга бахтни фақатгина шу фазилат беради", деган. Маънавий бойликларни фарзандга сингдириш учун ота-онанинг ўзи шу нарсаларга эга бўлиши лозим. Боболаримиз "Ота-онанин хурмат қилмаган фарзанд ўз фарзандларидан хурмат талаб қилиши ножоиздир", деб айтганлар.

Фарзандларимиз ҳақида сўз борар экан, уларнинг кўз олдингизда улғайиб, ўсиб бораётганлигини ҳам сезмай қоласиз. Баъзида шундай ота-

оила маънавиятига оид бир қанча дастур, қўлланма ва тавсияномалар ишлаб чиқилиб, чоп этилмоқда. Ана шундай қўлланмалардан бири педагог олима О.Мусурмонованинг "Оила маънавияти — миллий гуруҳ" деб номланган илмий асаридир. Қўлланмада ўзбек миллий оилаларининг ўзига хос вазибалари, ота-она ва фарзанд бурчлари, қайнона-келин бурчи, ўзбек оилаларида меҳмон кутиш одоби, миллий урф-одатлар ва анъаналар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, инсон учун керакли бўлган меҳр-оқибат, садоқат, ҳаё, ифбат каби туйғулар ҳақида ҳам сўз боради.

Бола тарбиясида оила, мактаб, маҳалла ва жамоатчилик ҳамкорлигини таъминлаш, оила анъаналари, қадриятлари, ота-она ва кекса авлоднинг меҳнат ва қаҳрамонлик

**ОИЛА — ТАРБИЯ
МАСКАНИ**

оналар учрайдик, фарзандлари тарбиясига эътибор бермайдилар. Лекин, бу ҳолатлар охир-оқибат яхшиликка олиб келмаслигини улар тасаввур қилишармикан!

"Куч уясиде кўрганини қилади" деган сўзлар оила тарбиясининг негизини ташкил этади. Ота-она қанчалик бир-бирини хурмат қилиб, меҳр-оқибатли, ҳалол ва покиза бўлишса, фарзандлар ҳам улардан ўрнак олиб шу фазилатларга эга бўладилар ва фарзанд ўз фарзандларига ҳам ўз навбатида шундай эътиборда бўлиши, шубҳасиз.


Бизнинг мустақил Ватанимизда ўсиб келаятган ёш авлодга алоҳида эътибор берилмоқда. 2000 йил Президентимиз томонидан "Соғлом авлод йили" деб эълон қилинган ҳам бунинг яққол далилидир. Шундай экан, биз фарзандларимизни ҳар томонлама етук, маънавий бой ва жисмонан соғлом қилиб тарбияламоғимиз лозим.

Ҳозирги кунга келиб педагог олимларимиз томонидан оилада фарзанд тарбиясига,

намуналаридан самарали фойдаланган ҳолда тарбияни ташкил этиш комил инсонни шакллантиришда муҳим омилдир. Бугунги давр ёшлари учун оиласи, миллати, халқи, Ватани тақдир, бугун ва эртаси учун фидоийлик кўрсатиш энг олий қадрият ҳисобланади", деб ёзади олима. Бу фикрлар ҳозирги замон талабларига жавоб беради ва китобнинг қанчалик ҳаётий эканлигини кўрсатади.

Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, соғлом авлодни дунёга келтириб, уни ҳар томонлама етук, ўз Ватанига содиқ қилиб тарбиялайдиган тарбия ўчоғидир. Умуман олганда, тарбия сўзи қулоққа эшитилиши билан одам кўз олдида оила намоён бўлади, унинг тинчлигини, осойишта ва фаровонлигини сақлаш ота-оналарнинг, қолаверса, бутун халқимизнинг юксак бурчидир, зеро оила — тарбия масканидир.

Ҳаётхон КҲЧҚОРОВА,
Барнохон ЖУМАНОВА.



Миллий кураш ўзбекининг қонида бор, жонда бор. Ўзбекини миллий курашдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Миллий курашнинг дунё майдонига чиққанлиги ва жаҳон майдонларини бир-бир забт этаётганлиги ҳам бекорга эмас. Агар адашмасам, миллий курашга ҳали ёш берилган эмас. Айтайлик, каратэнинг, тенниснинг, бейсболнинг ёши бор, аниқласа бўлади. Лекин ўзбекининг миллий кураши қачон пайдо бўлган? Буни ҳеч ким аниқ айтолмайди. Чамаси, спортнинг бу тури ўзбек билан бирга таваллуд топган бўлса керак.

Худди олис бир замонларда бўлгани каби бугун Ўзбекистонда полвонсиз бирон-бир маҳалла, овул, қишлоқ, қўрғонни топа олмайсиз. Ҳар бир манзилда кураш тушиши иштиёқида юрганларни топасиз, учратасиз. Ўзбекининг тўйлари ҳам алаалоқибат курашлар билан кизийди ва обод бўлади.

Журналист Маҳмуд Абулфайз ва Термиз Давлат университети доценти Ўроқ Иброҳим ўғли ҳамкорлигида ёзилган "Мард қолур майдон ичинда" номли китоб яқинда "Ёзувчи" нашриётида чоп этилди. Китобда сурхондарёлик айрим полвонлар сулоалари ҳақида ҳикоя қилинади. Наинки отамерос, бобомерос, балки аждодмерос бўлган миллий кураш бугунги сурхондарёлик полвонлар ҳаётида, тақдирда қандай акс этиляпти? Китобни ўқигач ана шу саволга бир қадар жавоб топгандек бўласиз.

Тўпламни ўқиб чиққач, шунга ишонч ҳосил қиласизки, ҳамма ҳам, айтайлик, истаган одам ҳам полвон бўла билмас экан. Асли наслида бор бўлса, тарбияси зўр бўлса, ори кучли, юртга меҳри баланд бўлса, одамдан яхши полвон чиқаркан. Бунга истаганча далиллар топиш мумкин. Бола этли-суякли, қувватли бўлиши мумкин, аммо у тарбия кўрмаса, эътиборга тушмаса, унда у рақибнинг тагида юлдуз санашдан бошқасига ярамаслиги ҳам мумкин. Қолаверса, ҳар қандай полвон ҳам элнинг, юртининг фахри, ифтихори, ишончидир. Шундай бўлгач, элда полвон бино бўлдими, уни авайлаб-эҳтиётламоқ ҳам зарур экан.

"Мард қолур майдон ичинда" номли тўпланда муаллифлар жаҳонро номадорлик топган Тоҳир полвон Дурдиев (марҳум), Тоштемир полвон Муҳаммадиев, Махтумқули полвон Маҳмудов, Ботир полвон Ҳасанов ва бошқалар ҳақида мароқли тарзда ҳикоя қилишган.

Термизда тўққиз нафар номдор полвон ўғилларга ота бўлган Худойберди Маҳмудов деган

**МАРД МАЙДОНДА
ҚОЛАДИ**

одам яшайди. Бир пайтлар ўзи ҳам майдонларда кураш тушган. Ана шу полвон отанинг тўққиз нафар полвон боласи бирин-кетин кураш майдонларини қизитиб туришибди. Худойберди отанинг тўнғич полвон ўғли Махтумқули кўплаб халқро курашларда ўтган йиллар давомида чемпион бўлди. Мана, ниҳоят, бу йил Анталаяда ўтказилган жаҳон чемпионатида кураш тушиб, жаҳон чемпиони бўлди. Китобда ана шу полвон ва унинг отаси, укалари ҳақида қизиқарли ҳикоя бор. Буни ўқигач, полвонликнинг ҳам шухратли, доврўкли томонлари билан бир қаторда нозик ва мушкул жиҳатлари ҳам кўп эканлигини илғайсиз.

Термизда яна бир валломат одам яшайди. Исми-шарифи: Абдуҷаббор ака Ҳасанов. Шу одамга ҳам худо беш ўғил берган. Не бахтки, уларнинг бешови ҳам полвон бўлиб етишди. Уларнинг бири қўйиб иккинчиси майдонларда кураш тушиб, ғолиблик топиб келишмоқда. Оиладаги учинчи ўғилнинг исминини Ботир полвон дейдилар. Ботир полвон жаҳон майдонига чиққан ва кўпларни қойил қолдирган полвонлардан бири бўлади. У беш марта Осиё чемпиони бўлди. Абдуҷаббор аканинг қолган тўрт ўғли ҳам полвонлик бобида ўзига хос жиҳатларга эгадир. Китобдаги "Мард қолур майдон ичинда", деб номланган мақола айни шу полвонлар сулоласи ҳақидадир.

"Оти қолган дунё" деб номланган мақолада эса машҳур Шафоат полвон Шомуродов (марҳум)нинг майдонлараро кечган доврўкли ҳаёти, шунингдек, унинг укалари, ўғиллари фаолияти хусусида гап боради. Шафоат полвон киёфасида мард, ориятли, жасур ва бунинг устига фавқуллодда шиддатли полвон кўз олдингизда намоён бўлади.

Шунингдек, тўпландан ўрин олган "Куч билан сизмаган кунлар", "Беш оғайни ботирлар", "Мақтанишни билмаган полвон", "Турон полвоннинг йўлбарслари" каби очерклар ҳам сурхондарёлик полвонлар ҳақида хабар беради.

"Мард қолур майдон ичинда" тўплами неча минг йиллик тарихга, шонли ўтмишга ва қолаверса, ёруғ истиқболга эга бўлган миллий кураш хусусидаги бир заррадир. Ҳали полвонларимиз дунё бўйлаб доврўқ таратадиган ажойиб кунлар олдинда, улар ҳақида битилажак неча-неча китобларни эса ўқувчилар кутмоқда.

Рўзиқул МУСТАФОҚУЛОВ,
Термиз Давлат университети доценти

“Уйимиз совуқ эди. Ҳали “дом” иситила бошламаганди. Кичик ўғлим эса дераза ойнасига бўёқлари билан қип-қизил куёшнинг расмини чизибди”.

Нимагадир Т.Адашбоевнинг “Жўнатаман куёшни” шеъри эсимга тушди. “Жўнатаман куёшни, мен келгуси хатимда”, деб якунланган шеърда Турсунбой аканинг ижодига хос бўлган психологизмлар ва миллий руҳ бўртиб кўринади. Болалар ёзувчисининг маҳорати — бу фақатгина дунёни болалар кўзи билан кўриш ва идрок этишигина эмас, балки бу идрокни кенг ўқувчилар оммасига ана шу тарзда намоён қилишдир.

Турсунбой Адашбоевнинг шеърлари ҳаётий ҳақиқатдан узоқ бўлган мадҳиябозликдан холи, самимийдир. Шеърлари болаларга хос бўлган фикрий тарқоқлик, кашфиёт бўла оладиган оддийликдан иборат бўлиб, беғуборлик ҳисси билан йўғрилгани учун ҳам уларни ўқиган кишида яхши таассурот қолдиради. Юқорида айтганимиз, шоир шеърларидаги миллий колорит ёрқин образлилик ва тезкор ритм билан бирлашгандан сўнг, айниқса, бадиий баркамоллашади.

**Дов-дарахтни боғбонлар
Соч-соқолин қийишди,
Биз оқлаган дарахтлар
Оппоқ пайпоқ кийишди.**

Кўриб турибмизки, шоирнинг мушавирлик санъати ҳаракатчандир. Расмлар ҳар қаторда алмашиб турибди. Бу хусусият унинг деярли ҳамма шеърларига хос. Шоир шеърларининг бу хусусияти уни бошқа болалар шоирларидан ажратиб туради. У миллий саҳнадан йироқ бўлган нарсаларни ҳам миллий

колоритга уйғунлаштириб юборишга шундай маҳорат билан эришадики, тасвирнинг табиийлиги ҳеч кимда шубҳа қолдирмайди. Масалан:

**Оқ ятакли қайинлар
Тақди яна зарбалдоқ,
ёки**

**Сугур арча остида
Турар тасбеҳ ўгириб.**

Турсунбой Адашбоев шеърларида ҳозирги замонда унутилиб бораётган миллий ўйинлар ҳам эслатилади:

**Ошқовоқ қирса
ойим**

**Мен - чи
гирдика-
палак,
Эс -
дан чи-
қиб оқ
чурмак,
Унутилар
сопалак.**

Унинг ижодига хос бўлган энг асосий хусусиятлардан яна бири шуки, шоир ўз шеърларида метафора ва ўхшатишларни ишлатар экан, буларни болаларга хос қилиб ифодалаш зарурлигини у бир дақиқа ҳам эсидан чиқармайди. Шунинг учун ҳам унда болаларча тасаввурга, болаларда бу шеърнинг тезроқ эса қолиши учун замин яратади.

**Бойчечаклар ниш уриб
То тургунча ўрнидан,
Баҳор қишни тарновга
Осиб кўйди бурнидан.**

(“Сумалак”)

Чақмоқ кўкда ёнғоқ чақди.

Darsligingizga qo'shimcha

(“Баҳор келгач”)

Шоир назмий турли-туманликни куйлар экан, шу билан бирга ўз лирик қахрамонининг табиийлиги ҳақида ҳам унутмайди. Шеър қайси шаклда ёзилмасин (у диалогми ё монологми), бу табиийлик ҳар бир шеърнинг самимийлигини таъминлайди. Шеърнинг ҳар мисраси кутилмаган воқеалар баёни билан бошланади.

Турсунбой Адашбоев шеърий тўпламлари орасида энг таъсирчанларидан бири иккинчи жаҳон уруши йилларида кечган болагини хотирлаб ёзган шеърларидир. Улар орасида, айниқса,

“Сохта бузоқча” шеърида ғамгинлик ва фожеа гўё бир-бирини тўлдиргандек. Зўрга кунини кўраётган оиладаги шодлик, бузоқчанинг туғилиб, сугта ёлчиши ва унинг ўлими шодликлар ниҳоясидек туюлган пайт... Бу оғир дардни тоға енгиллаштирамоқчи бўлади. Ва бузоқнинг терисига сомон тикиб, унинг жонсиз шаклини ясайди. Она сигир эса ўз фарзандининг аҳволини кўриб, суддан қолади. Бу — урушга тавқилаънат, оналиқни улуглаш, ҳайвондаги туйғу ва инсонлардаги ҳиссизликнинг, гарчи шароит тақозоси бўлса ҳам, бир кўринишидир.

Шоирнинг муаммоли шеърларидан

бири “Армонкўл”дир. Битта ҳарфнинг ўзгариши Дармонкўлни Армонкўлга айлантиради, битта аҳмоқона буйруқ табиатдаги фожеани ясайди.

«Дунёни болаларга берайлик» деганда шоир минг бор ҳақ эди. Уларнинг беғубор нигоҳи биз катталарнинг ишини тўғри баҳолайди. Ўз дунёсини болаликнинг беғубор оламига бахшида қилган шоир акангизнинг куйидаги китоблари шулар жумласидандир: “Сичқоннинг орзуси”, “Совға”, “Оқбура тўлқинлари”, “Арслонбоб шаршараси”, “Олатоғ ва лолатоғ”, “Жўнатаман кўёшни”, “Бўталоқ ва сирли қовоқ”, “Хуштак чалиб турасиз”.

Бундан ташқари, у буюк қирғиз эпоси “Манас”нинг ўсмирларга бағишланган проза вариантини ўзбек тилига таржима қилган. Шунингдек, шоир Корней Чуковский ва бир қатор қирғиз халқ шоирларининг, ёзувчи Чингиз Айтматов асарларининг таржимони. Пародиялар уста-си.

“Болалар адабиётининг фидойиси” деган таъриф Ўзбекистоннинг барча болалар ёзувчиларига ва айниқса, Турсунбой акага тегишли. У ўзбек болалар адабиётига кўшилган ҳар бир ҳиссадан қувонадиган, камчилигидан кўп қайғурадиган, болалар адабиётига кириб келаётганларга энг биринчи илиқ сўзни айтиб қўллаб-қувватлашга шошиладиган инсондир.

**Кавсар ТУРДИЕВА,
ТошПМИ ўзбек тили
кафедраси мудири,
филология фанлари номзоди**

Tursunboy ADASHBOYEV

HUSHTAK CHALIB TURASIZ

Hayvon zoti turfa fe'l,
Odati, yo'rig'i bor.
Tabiatday rang-barang.
Chipori, to'rig'i bor.
Ot minganda azaldan
Tizgin siltab “chuh” derlar.
Ko'kka qarab sapchisa,
Uchqur ekan “o'h” derlar.
Xurjun ortgach, eshakka
“Xix”lab yo'lga solasiz.
Qashshangu tixir bo'lsa
Xalacho'pni olasiz...
Tuya zotin aslida,
Cho'ktirasiz “chix-chix” lab.
Keyin qanor, qoplarni,
Tang'iysiz unga yuklab.
Hayvonlarning ichida
Qo'tos biroz dag'alroq,
Uzangini niqtagach
“Ih-ih” deysiz dag'alroq.
Cho'qqi soqol echkini,
Qo'riqlaymiz “chek-chek”
deb.
Qo'y-qo'zini chorlaymiz.
Pechak tutib, “meh-meh”
deb.
Mushuk oshsa haddidan
Haydaymiz uni “pisht”lab.
Tovuqlarni “tu-tu”lab,
Ekin titsa “kisht-kisht” lab.
Buzoqcha bir maromda,

Yalqovlanib “mo'o”raydi.
Ona govnish “bo'-bo”lab,
Hol-ahvolin so'raydi.
Qo'msab qolsa oyisin
Qo'zi nozik “baa”laydi.
Quyruq'ini silkitib,
Uloq sho'xchan “ma” raydi.
Uyur boshi ayg'irlar,
O'zligini anglatib.
Kishnar “ahang-ahang”lab,
Tog'larni jaranglatib.
Tulpor tilin bilmoqlik
Sinchilardan qolganda.
Hushtak chalgin otingni
Sug'organi borganda...
Burgut “chiykut-chixo”lab,
Yo'rig'ingga ko'nadi.
Kaptarni “beh-beh”lasang
Kifting uzra qo'nadi,
Tomorqada bir kurka,
Kibor-la lapanglaydi,
Uning “g'ul-g'ul” deganin
Makiyoni anglaydi.
Ovchi yo'ygach jeli'ni,
Erinmaydi, shoshmaydi.
Churkirakda mastakka
Taqlid qila boshlaydi.
“Bit-biliq” ohangidan
Dala-dashtlar yashnaydi,
Nog'orasiz laylakdan,
Kakliklar qolishmaydi.
“Kak-ri-ka-kak” qo'shig'in
Bulbulga alishmaydi.
Chumolidan - filgacha,
Jonzotda hikmat katta.
Imkon bo'lsa, ularning
Fe'lin bilgin albatta.

BOLALIKDAN BIR LAVHA

Bahor kelib, qushlar chiqib,
“Ilik uzildi” mahal.
Go'ja tansiq, atala-ku
Oshdek “suzilgan” mahal.

Qattol urush oqibati,
Hali shashtdan tushmagan.
Omborlar ham qatron bo'lib,
Sichqon hassa ushlagan.


Qo'shchilarga non yopardi,
Onam suli unidan.
Noliy desa osmon yiroq,
Nochor, g'arib kunidan.

Suli asli otning yemi,
Ishlatilmas bo'lakka.
Onam unni bir necha bor,
O'tkazadi elakdan.

Chunki qipiq, tegirmonda,
Ketmas edi yanchilib.
Supra uzra mitti xanjar,
Tushar tikka sanchilib.

Charsillaydi shuvoq o'tfn,
Tandirga o't qalayman.
Olovdayin lov-lov yonib,
Taqdirdan o'pkalayman.

Tuman tog'am to'qochlarni,
Qo'shchilarga oborar.
Qiltiriqdan saqlasin, deb,
Onajonim yolborar.



Bir haftaga oltita non,
Qoldirishar ulushni.
Yig'lay desam nomus kuchli,
Vahti emas kulishni.

Xo'rlik esa zardobdayin,
Zimdan sizib boradi.
Suli nonning qipiqdari
Tig'day chizib boradi.

Nabiramning non tanlashi,
Malol kelgach,
so'nggi dam.
Bolalikdan ushbu lavha,
O'tdi ko'zim o'ngidan...

¹ Sinchi - otlarning fe'l-atvorini bilguvchi.

² Jeli - bedana ushlaydigan to'r.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси GEF Агентлиги Ўзбекистон миллий ишчи гуруҳи ҳамкорлигида ташкил этилган "Мен—Отам—Бобом (Мен—Онам—Момом) — сувнинг аҳамияти ҳақида", деб номланган танловнинг мактаб, туман, вилоят босқичлари тугалланиб, ҳозирда сўнгги — республика босқичи якунлашиш арафасида. Танловга келган 42 нафар ўқувчиларнинг иншолари билан танишар эканмиз, олдимишга қўйган мақсадимишга бир қадар эришганимишга амин бўлдик. Болалардаги изланув-

чанлик, ижодкорлик ва мустақил фикрини тиниқ ифода этиш каби хислатлар ҳамда катталаримизнинг ушбу хайрли ишга бажонидил хайрихоҳлиги му-

Ўқувчи иншо ёзиш баробарида бобоси, момоси, отаси ёки онасидан эшитганларидан ўзига хос хулосалар чиқаради, уларни бугунги кун нуқтаи наза-

лик, масъулият ҳал этувчи куч эканлигига бориб тақалаверади. Мақсад ҳам шу эди. Улар қалбидан бугун жой олган ана шу жавобгарлик ҳисси эртага мил-

Tanlov

келажак олдидаги масъулият ҳам эканлиги англанади.

Р.С. Танлов якунлангач, газетамишда иншоларни эълон қилиб борамиз. Кези келганда яна бир хулосага ўқитувчилар эътиборини қаратмоқчимиз: Танловнинг сўнгги босқичида иштирок этаётган 42 та иншонинг 37 таси қиз болалар, бор-йўғи 5 таси ўғил болалар томонидан ёзилган...

А.РАХИМОВ,
танлов ҳакамлар
хайъати
раиси ўринбосари.



КАТТАЛАРНИНГ КИЧИКЛАРГА СУВ ҲАҚИДА АЙТГАНЛАРИ

ёхуд улардан ўқувчилар қандай хулоса чиқаришмоқда?

жасамлашиб, кўз олдимишда ажойиб бир манзарани гавдалантиради. Бу манзара узра шундайин бир ришта тортилганки, у — ўтмишни бугунга, авлодни-авлодга боғлайди.

ри билан таҳлилга тортади. Энг муҳими, уларнинг барчасидаги якуний фикр, тўхтаб бир нуқтага, яъни сув муаммосидек энг глобал муаммони ечишда ялпи шахсий сафарбар-

лионлаб тенгдошларига "юқиши", натижада сувга оқдйгина суюқлик сифатида эмас, балки табиат томирларидан оқётган ҳаёт манбаи, дея қараш шаклланади. Сувни асраш

Ўзбекистон—Япония ҳамкорлик алоқаларида таълим соҳаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Яқинда Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтган тадбир буни яна бир карра тасдиқлади. Унда университетнинг 20 нафар иқтидорли талабалари Япониянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Сумитамо корпорацияси томонидан таъсис этилган мукофот билан тақдирландилар. Аслида бу хайрли иш беш йил илгари бошланган бўлиб, Осиёдаги 17

ТАЛАБАЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

мамлакатнинг 35 та университетларида ўтказиб келинмоқда. Юртимизда эса шу кунгача, яъни уч йил ичида 55 талаба Япониянинг энг йирик учта корпорацияларидан бири бўлмиш Сумитамо корпорацияси мукофотига сазовор бўлди.

Корпорация вакили жаноб Сугиямо Ўзбекистоннинг ҳар бир иқтидорли ёшларига ажратилган 134 минг сўм ва фахрий ёрликларни ўз эгаларига топширар экан, ўқишларига муваффақиятлар тилаб, мазкур тадбир бундан кейин ҳам давом этишини билдириб ўтди.

Баходирхон ЭЛИБОЕВ,
"Маърифат" мухбири.

Мактабимизда водопровод жўмрагига гармдори суртиш "урф" бўлди. Бу "ташаббус"ни юқори синф ўқувчилари бошлашди. Бундай олиб қараганда бу тарбиясизлик. Лекин, қарангки, бунинг соғлиғимизни асрашда фойдаси бор экан. Қандай, дейсизми? Эши-

"АЧЧИҚ" ҲАЗИЛ —ШИРИН ҲОСИЛА

тинг! Ҳеч кимга сир эмаски, кўп касалликлар қайнамаган сувни ичишдан келиб чиқади. Бу ҳақда шифокорлар, ота-она-

лар қайта-қайта гапиришади. Лекин биз болалигимизга бориб, барибир водопроводдан сув ичаверамиз. Ўйлаб кўринг-а,

Bunga nima deysiz?

гармдори сурилган жўмрақдан ким сув ичади? Шўхлик, қитмирлик "маҳсулоти" бўлган ушбу гармдори "ҳазили" соғлиғимизни асрашда қўл келадиган бўлди-да.

Моҳира Юлдашева,
Юнусобод туманидаги
274-мактабнинг
9-«Б» синф ўқувчиси.

ШАҲИДЛАР ЁДГА ОЛИНДИ

Камалиддин Беҳзод номидаги Рассомлик ва дизайн миллий институтида бўлиб ўтган учрашув ўзининг қизиқарлилиги ва таассуротларга бойлиги билан талаба ва устозларда катта қизиқиш уйғотди. Шаҳидлар хотирасига бағишланган учрашувга ушбу хайри жамғарма раиси, адабиётшунос олим, профессор Наим Каримов, филология фанлари доктори, профессор Собир Мирвалиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Холида Аҳророва, санъатшунослик фанлари номзоди Сирожиддин Аҳмедов, Шерали Турдиевлар тақлиф этилдилар.

Учрашувни институт ректори, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги Саъдулла Абдуллаев очиб, бир вақтлар халқ душмани дея

қатағонга учраган, миллатимиз фахри бўлмиш буюк боболаримиз хотирасини доимо ёдга олиш, улар ҳақидаги тасаввуримизни янада бойитиш ва бизлар кимларнинг авлоди эканлигимизни ҳис этиб яшаш лозимлиги ҳақида гапирди. Сўнгра учрашувга тақлиф этилган олимлар қатағон қилинган буюк шахслар ҳаёти ҳақида гапириб бердилар.

Келажакда ичи уйлаб, ёниб яшаётган ҳар бир талаба учун бундай мулоқотлар олам-олам тасаввур бериб, уларнинг Ватанимиз ўтмишига бўлган ҳурмат-эътиборини оширади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бўлғуси рассомлар учун бундай унутилмас учрашувларнинг ўтказилиши уларга бой мавзуларни ҳам беради.

Умида Йўлдошали қизи,
талаба.

Xotira

ШОИР ЮБИЛЕЙИ

"Жисмимиз йўқолур, учмас номимиз" дея айтганида ҳассос шоиримиз нақадар ҳақ эди. Якунланаётган асримизда юртимиз адабий муҳитида ёрқин из қолдирган бир қатор ижодкорларнинг таваллуд кунлари нишонланмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси машҳур шоир, моҳир таржимон Миртемирнинг 90 йиллик таваллуд кунларини республика миқёсида утказиш ташаббуси билан чиққан эди. Қуни кеча Миртемир домланинг 90 йиллик юбилейи Низомий номидаги ТДПУда Ёзувчилар уюшмаси ҳамда ўзбек тили ва адабиёти факультети ҳамкорлигида утказилди. Профессор Ҳакимжон Каримов "Миртемирнинг поэтлик олами" мавзусида маъ-

руза қилгач, ёзувчи Носир Фозилов, шоир Ҳусниддин Шарипов ва профессор Гофир Муминовлар Миртемир домла яшаган даврдagi ижодий муҳит, унинг ҳаёти билан боғлиқ хотираларини айтишди. Эл севган шоирлар Муҳаммад Юсуф ва Маҳмуд Тоировлар шоғирд сифатида сузга чиқишиб, ўз шеърлари билан йиғилганлар олқишини олди. Сузлар орасида мусиқа факультетининг "Зиё" ансамбли куйқушиқлар билан чиқишлар қилишди. Ушбу тадбир Миртемир домланинг фарзандлари ва қариндош-уруғларининг у ҳақидаги хотиралари билан ниҳояланди.

Шерали МАҲМАРАЙИМ
ўғли.

ҚўЛЛАНМАЛАРНИ КИМ ЯРАТАДИ?

Сир эмаски, ҳозирги кунда ёшлар орасида чет тилларни ўрганишга бўлган иштиёқ жуда кучли. Бу жуда қувонарли ҳол. Лекин гап бу ҳақда эмас.

Мени ва барча тил ўрганувчиларни ўйлантираётган муаммо хорижий тилларни ўрганиш учун керак бўладиган қўлланмаларнинг етарли эмаслиги. Тўғри, китоб расталарида, дўконларда хорижий тилларни ўрганиш учун керак бўладиган турли-туман қўлланмалар мавжуд. Аммо улар рус тилида нашр этилган. Русча дарслик-қўлланмалардан фойдаланса ҳам бўлади. Лекин таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаб ўқувчиларига рус тили грамматикаси қийинчилик туғдиради. Демак, ушбу дарслик ва адабиётлар чет тиллар грамматикасини ўрганишимиз учун, аввало, рус тили грамматикасини ўзлаштиришимизни талаб этади. Рус тилини яхши билмайдиганларга эса, албатта, хорижий тилларни ўрганиш жуда қийин кечмоқда.

Бугунги кунда юртимизда жаҳон тиллари университети, чет тиллар институтлари мавжуд-ку, нега улар хорижий тилларни ўрганишга ёрдам берадиган ўзбекча мукамал дарслик-қўлланмалар яратишга жиддий ёндошишмаяпти? Ўзбек тилида кичик китобчалар, луғатчалар мавжуд. Лекин улар ҳозирги замон талаби даражасида эмас. Масалан, ҳалигача мукамал қўлланмалар у ёқда турсин, инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча мукамал луғат яратилмаган.

Умид қилиб қоламизки, ушбу соҳа мутасадди ва мутахассислари бу масалага жиддийроқ ёндошадилар. Зеро, XXI асрда ўзбек миллатининг фарзандлари хорижий тилларни ҳам чала эмас, ҳар томонлама мукамал билишлари керак.

Пўлатбек БЕКМЕТОВ,
ЎЗМУ 1-босқич талабаси.

Бугунги кунда барчамизга аён ҳақиқат шуки, моддий таъминланганлик маънавий юксалишга асос бўлади. Яна айтишадик, иқтидорни намойиш қилишга имкон бўлмаган жойда иқтидорнинг ўзи ҳам бўлмайди. Иқтидорни юзага чиқариш, уни намойиш қилиш имконияти эса, албатта, кўпгина зарур нарсалар қаторида маблагни ҳам талаб этади. Бу гап бевосита таълим тизимида ҳам алоқадор. Таъбир жоиз бўлса, моддий таъминот таълим тизимида ҳам тарозининг иккинчи палласидир. Агарки, бу иккинчи палла энгил тортиб, мувозанатни йўқотиб қўяр экан, бу ўз навбатида, ривож-

Ta'limda tadbirkorlik

Сирдарё вилоятининг Оқ олтин тумани маорифчилари ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хусусан, туманда бу борада жорий йилда амалга оширилган ва оширилаётган ишлар хусусида ТХТБ мудир Оқилбек Ёдгоров қуйидагиларни айтиб берди:

“Айниқса, жорий йилда туманимизда тadbirkorlik соҳасида кўламли ишлар амалга оширилди. Сирдарё вилояти ҳокими Алишер Исроиловнинг бевосита ташаббуси ва қарори билан мактабларга қўшимча даромад топиш ва бу даромаддан мактаб эҳтиёжи учун самарали фойдаланиш мақсади-

жон” спорт мусобақасида, 5-ўрта мактаб ўқувчиларининг “Қувноқлар ва зукколар” телевизион олимпиадасида, 28-ўрта мактабнинг “Йил мактаби” танловида, бир қатор ўқитувчиларимиз ва ўқувчиларимизнинг турли танлов ва мусобақаларда республика миқёсида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни олиб келаётганликларини айтиб ўтиш мумкин.

Ўйлайманки, бу йилги мактаб ва боғчаларимизнинг тadbirkorligи самаралари ҳам фақат ютуқларимизни кўпайтиришга, интилувчанликка ундайди ва шунга рағбатлантиради”.

ТАРОЗИНИНГ ИККИНЧИ ПАЛЛАСИ

ланишга тўғаноқ бўлади ва ишнинг бир жойда “чўкиб”, депсиниб туриб қолишига олиб келади. Меҳнати қадрланиб, ҳар бир ютуғи рағбатлантирилиб турган ўқитувчининг фаолияти, шубҳасиз, меҳнатлари эътиборсиз қолаётган ҳамкасбининг фаолиятига нисбатан беҳад самаралидир. Шунингдек, иқтидорининг нафақат мактаб ёки туман, балки вилоят ва республика миқёсида намойиш қилинишига имконият, шарт-шароит бор жойда ўқувчилар ўртасида фаоллик асло сусаймайди. Ўқитувчилар ва ўқувчилар учун бундай имкониятни яратишда эса жойлардаги таълим тизими мутасаддиларининг ўрни бениҳоядир. Бу ўринда уларнинг тadbirkorlik билан иш юритишлари гоёт қўл келади.

Сўнгги йилларда таълимда кузатилаётган тadbirkorlikка

да ер майдонлари ажратиб берилган бошланди. Туманимиз мактабларига ҳам бу йил жами 147 гектар ер майдони ажратилди. Бу майдонларга йил бошида пахта, галла, турли сабзавот ва поллиз экинлари экилди. 12 та мактабимиз пахта етиштириш режасини ошириб билан бажарди. Шунингдек, бошқа экинлардан ҳам яхши ҳосил олишга эришдик. Йил якунидаги умумий даромадимизни ҳисоблаб кўрайдиган бўлсак, бу икки миллион сўмдан ҳам ошиб кетади.

Олинган даромад тўғри сарфланаётганлиги боис, туманимиз ўқитувчилари ва ўқувчилари, боғчалар жамоалари ўртасида янгиликка интилиш ва фаоллик кучаймоқда. Бу уларнинг вилоят ва республика танловларида ва турли тadbirkorlikдаги фаол иштирокини ҳам таъминламоқда. Мисол тариқасида “Пахтаой” боғчаси жамоасининг “Соғломжон-полвон-

Туман мактаб ва боғча жамоаларининг, хусусан, ўқитувчи ва тарбиячиларининг моддий манфаатдорлиги хусусида гап кетар экан, яна бир воқеани айтиб ўтиш жоиз. Бу йилги Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни байрамида туман ҳокимлиги томонидан илғор мураббийларнинг меҳнатларини муносиб тақдирлаш ниятида 1 миллион 800 минг сўм миқдорда мукофот пули ажратилди. Шунингдек, туман хўжаликлари томонидан ўқитувчи ва тарбиячилар арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминландилар. Буларнинг барчаси, гарчи тизимда иккиламчи вазифа бўлиб кўринса-да, айни пайтда, шубҳасиз, таълим тараққиётига хизмат қилувчи, қўрида таъкидлаганимиз — мувозанатни сақловчи тарозининг иккинчи палласидир.

И. ИСКАНДАРОВ

УСТОЗЛАРИМ, ОМОНМИСИЗ!

Мактаб йилларининг соғинчи мени олис хотиралар сари етаклади.

Ўзбек тили ва адабиёти фанидан эндигина сабоқ олаётган дамларим... Кириш учун қўнғироқ чалинганда гўё кўнглимда ҳам қувончдан қўнғироқ жаранглаб кетгандек бўлаверди. Ўқитувчимиз Хусан Жаниқуловнинг кириб келиши ва тезроқ дарс бошланишини бесабрлик билан кутардим.

Ўқитувчимиз: «Адабиёт бу руҳият, адабиёт бу одоиб-этдир» деган сўзлар билан дарс бошларди. «Сизнинг ҳар бирингизда руҳий поклик ва одоиб юксаклиги бор. Демак, сизлар адабиётчиларсиз. Фақат сизни кашф этмоқ керак...» Бугун, ўз навбатида, ўша ўқитувчининг қалб гўзалликларини қандай кашф этиши мени ўйлантиради. Эҳтиромимни қайси рангга чизиб беришни билмай қоламан.

«Хусан Жанқулов 40 йилдан зиёд умрини ўқитувчиликка бағишлаб келяпти. Қўшни қишлоқ — Гарай-қозирги 30-мак-табнинг филиали эди.

Dil izhori

Сўхбатлардан бирида ўқитувчимиз Хидирвой Ҳалилов шундай деган эди: «Мактабимиз Хусан аканинг ташаббуси билан 1983 йили бу мактабдан ажралиб чиқди. 1984 йилдан бошлаб 8 йиллик мактаб бўлди. Шу йили ўқувчилар бор-йўғи 44 нафар болани ташкил этарди. 1989 йилдан бошлаб 10 йиллик умумтаълим мактабига айлантирилди. Ўша пайтлар мен, Хидиров, Нишонов, Қодирова каби ўқитувчилар ишлардик. Хусан ака мактаб директори сифати фаолият кўрсатарди...»

Асли мутахассислиги бошланғич таълим ўқитувчиси бўлган Хусан ака Пангат, Мирзаовул, Деҳқонобод қишлоғи, Нурота туманининг мактабларида ишлаб, болаларга алифбони танитган, эндиликда ўша собиқ ўқувчиларининг бугунги кунги, обрўси билан чексиз фахрланади.

Аллақачон тун ҳукмронлиги бошланган. Сершовқин шаҳар. Талабалик ташвишлари. Аммо ўқтин-ўқтин ўқувчилик йилларингиздаги ширин хотиралар бош кўтарарди. Бу ҳолат нафақат менда, ҳамма-ҳамма шогирдларда ҳам кузатилса керак.

«Устозлар, омонмисиз, соғмисиз?» дегим келади.

Дилрабо МИНГБОЕВА,
талаба

МУАЛЛИМГА ҲАВАСИМ КЕЛАРДИ

Ҳар сафар қадрдон мактабим, азиз ўқувчиларим томон йўл олар эканман, хаёлимда беихтиёр мўътабар ва гўзал хулқи устозларим гавдаланади. Улар ўз ҳаётларини дунёда одамлар учун энг сеvimли, энг ширин неъмат — илм беришга бағишлаб ўзларидан ўчмас из қолдирдилар. Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган азиз кишилар Зангиота туманидаги 45-ўрта мактабда кўп йиллар ёшларга илм ва одобдан сабоқ берганлар. Баракат ака Йўлдошев ўз фанининг фидойиси, ўқувчиларини ўз фарзандидек алқайдиган инсон эди. Унинг номига ҳар қанча илиқ сўз айтсак оз. Географиядан сабоқ берган Мавлонбек ака Тўрабеков илмга чанқоқ зиёлилардан эди. Устоз таълим-тарбия берган собиқ ўқувчилар бугунги кунда турли соҳаларда меҳнат қилмоқдалар. Мактабимизда яна бир ажойиб, марҳаматли инсон ишлаганлар. Муборак опа Исмоилова орамиздан анча эрта кетдилар. Очиқ чехрали, доимо ўқувчилари истиқболини ўйлайдиган муаллима дарсларни шундай ўтар эдиларки, биз, ёш ўқитувчиларнинг ҳамкасбимизга ҳавасимиз келарди.

Латип Шарипов номи мен учун ниҳоятда қадрли. Раҳматли қайнотам етти ўғилни тарбиялаб вояга етказганлар. Улар ўғил ва келинларини ҳам ўзлари сингари ўқитувчи бўлишларини истар-

дилар. Бугунги кунда овсинларим Дилфуза, Дилбар ҳам қайнотамиз ишлаган илм масканида ёшларга сабоқ беришяпти.

Мактабимиз директори Тохир ака Тойиров ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. У киши олижаноб, сазий қалб, қатта-кичикка тенгнинг эди. Устоз ҳаммани бир текисда кўрардилар. Ҳар қандай шароитда ҳам ўқитувчиларнинг кўнглини кўтарардилар, ташкилотчилик борасида бизга ўрнатқ бўлар эдилар. Директоримиз салкам 60 ёшга қадар умр кўрган бўлсалар, шундан 40

йилча фаолиятларини халқ хизматида бахшида этганлар. Устоз ўзлари етиштирган шогирдлар билан ҳаммиша фахрланиб юрарди. У киши фақат мактабда эмас, балки маҳалла ва туманда ҳам қатта хурмат, эътиборга эга эди. Муаллим оиладан тинган, бахтиёр ота бўлиб, халқи учун хизматга ғайрат билан бел боғлаган бир инсон эдилар. Оилада беш ўғил ва бир қиз тарбияланиб вояга етди. Уларни таниган кишилар фарзандларини шундай тарбиялаб падари бузрукворига тасаннолар айтардилар.

Устозларимизнинг руҳлари ҳаммиша биз билан. Уларнинг ушаламаган орзу-истакларини биз шогирдлари юзага чиқариш учун интилаверамиз.

Озода ШАРИПОВА,
Зангиота туманидаги
А.Икромов номи
45-мактаб ўқитувчиси

Ёшлиқда қилинган орзу вақт утгани сари вужуд билан бирга улғаяверади. Абдугани Абдураззоқов ҳам ёшлигидан кимёгар ёки тарихчи бўлишни орзу қилган. Ва бунга илмсиз етишиш мумкин эмаслигини англади — дастлаб Чирчиқ кимё-механика техникумини, 1956 йили эса Урта Осиё политехника институтининг кимё-технология факультетини битирди. Шу даврда Ўзбекистонда археология ишлари ривожланиши натижасида қадимги ва ўрта аср топилмаларини урганишда илк бор табиий ва техник фанлар усулларини қўллаб, урганиш зарурияти тугилди. Бу соҳадаги илмий изланишлар-

ёдгорликларни кимёвий технологик тадқиқ этиш ва таъмирлаш бўлими ташкил этилишига асос бўлди.

А.Абдураззоқов 1993 йили “Урта Осиёнинг қадимги ва ўрта аср шишасозлиги тарихи” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаб, тарих фанлари доктори илмий унвонига эга бўлди. У 180 дан ортиқ илмий мақолалар ва 5 та монография муаллифи ҳамда янги таъмирлаш усулларини яратганлиги учун бешта муаллифлик гувоҳномасининг соҳибидир. Устоз бир қатор чет мамлакатларда утказилган халқаро Конгресс ва анжуманларда қат-

ШАФФОФ ИЛМ СОҲИБИ

нинг муваффақиятли ривожланиши натижасида А.Абдураззоқов 1964 йили “Урта Осиё урта аср шишаларининг кимёвий-технологик таҳлили” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаб, техника фанлари номзоди илмий даражасини олди. 1965 йили Самарқанддаги Афросиёб деворий расмларининг очилиши сабабли А.Абдураззоқов қадимги моддий ва маданий ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш ва музейлаштириш ишлари билан машғул бўлди. Бу соҳада зарур мутахассислар тайёрлади, янги таъмирлаш усулларини яратди ва минглаб қадимги ёдгорликларни таъмирлаб, уларга иккинчи ҳаёт бағишлади. Бу меҳнатлари УзРФА Археология институти қошида республикамизда ягона булган янги махсус илмий марказ — Тарихий

нашиб,, маърузалар қилган. Шунингдек, А.Абдураззоқов АҚШдаги Халқаро шишасозлик Қумитаси ва Япониядаги Осиё мамлакатлари шишасозлигини урганувчи Блайёр жамиятининг аъзосидир.

Бугун узининг қутлуг етмиш ёшини нишонлаган олим таъмирлашдаги кўп йиллик илмий ва амалий билимларини Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида “Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш” кафедраси мудир сифатида талабаларга устозлик қилиб, республикамизга зарур булган таъмирчи мутахассисларни тайёрлашга бош-қош бўлиб келмоқда.

Башорат ҲАКИМОВА,
Шерали НИШОНОВ

6 апрель, шом. Майкл Робартес¹ бой берилган гўзалликни хотирлаётир, қўллари билан уни қучган чоғда, аллақачон бу дунёдан ғойиб бўлган гўзални бағрига босаётгандай туюлади. Бошқача бўлиши керак. Мутлақо бошқача. Мен ҳали дунёга келмаган гўзалликни бағримга босишни истаيمان.

10 апрель. Карахт, қопқоронги тун зулмати остида, шаҳар сукунатига қойим, кўрган тушларини унутмоқ илнжида уйқуни тарк этган, худди ҳорғин ошиқдай, силаб-сийпалашларга, елаётган от туёқларининг дупурига бепарво. Энди, ҳарқалай унча карахтмас. Мана энди кўприкка яқин қолди: бир нафас — сукунати тилиб, алам билан, қоронғу деразаларни ёнлаб, камон ўқидай учиб ўтади. Энди улар қайдадир узокларда; тим қоронғуликда, олмосдай ярақлаган туёқлар мудроқ уйқудаги далалар узра гизиллаб учади — қаёққа? — кимга пешвоз? — қандай хушхабар билан?

11 апрель. Кеча оқшом ёзганларимни ўқиб чиқдим. Аллақандай мавҳум изтироблар ҳақида мавҳум сўзлар. Бу унга ёқиши мумкинми? Ёқарди, менимча. У ҳолда, демак, менга ҳам ёқиши керак.

13 апрель. Бу сузгич узок вақт хаёлимни тарк этмади. Лугатга қарадим. Топдим. Биноидай қадимги сўз. Жин урсин деканни воронкаси билан кўшиб! Нега у бу ерда пайдо бўлди — бизни ўзининг тилига ўргатиш учунми ёки биздан ўрганиш учунми? Нима бўлгандаям, барибир, даф бўлсин!

14 апрель. Жон Альфонс (Охири. Боши газета-мизнинг ўтган сонларида.)

Малреннен² хозиргина Ирландиянинг гарбидан қайтиб келди. Европа ва Осиёда чиқади-ган газеталар бу хабарни кўчириб босишларини илтимос қиламан. Айтишича, у ерда тоғдаги кулбада қари чолни учратган. Чолнинг кўзлари бақрайган, оғзида калта трубка. Чол ирландча гапирди. Малреннен ҳам ирландча гапирди. Кейин чол билан Малреннен инглизча гаплашишади. Малреннен унга олам ҳақида, юлдузлар ҳақида сўзлайди. Чол ўтирган кўйи, тамакини буруқситиб, тупури-ниб эшитади. Кейин шундай дейди:

— Ҳа-я, тўғри, дунёнинг на-рёғида ажойиб махлуқлар яшайди-да.

Жеймс Жойс

МУСАВВИРНИНГ ЁШЛИКДАГИ ШАМОЙИЛИ

Роман

Мен ундан кўрқаман. Унинг бақрайган қизил кўзларидан кўрқаман. Тонггача у билан олишиш менинг чекимга тушган³, ҳали ё менинг ёки унинг ажали етмагунча, унинг сертомир йўғон бўйнини бўғиб, ҳали... Нима ҳали? Ҳали у менга ён бермагунчами? Йўқ, мен унга ёмонликни соғинмайман.

15 апрель. У билан бугун Графтен-стритда юзма-юз дуч келдим. Бизни оломон тўқнаштирди. Иккаламиз ҳам тўхтадик. У мендан нега кўринмайсан, деб сўради. Мен ҳақимда ҳар хил бўлмағур гапларни эшитганини айтди. Бу гаплар, чамамда, атай вақтни чўзиш учун гапирилди. Шеърлар ёзиб турибсанми, деб сўради. Ким ҳақида? — сўрадим мен. Шунда у баттар ажабланди, унга ичим ачиди

ва ўзимни аблаҳ ҳис этдим. Ва дархол гапни буриб, Данте Алигьери ихтиро қилган, барча мамлакатларда муаллифлик ҳуқуқини ҳужжатлаштириб олган, баҳодирона кўтаринки оҳангда давом этдим: ўзим ҳақимда, режаларимни тўлқинланиб гапира кетдим. Бахтга қарши, гап орасида беихтиёр исёнкорлик туйғуларим ҳам ошкор бўлиб қолди. Афтидан, мен бир қоп ёнғоққа ўхшаб шалдирардим. Одамлар бизга қарай бошлашди. У шу дам кўлимни сиқди ва кетаётди, айтган гапларим албатта амалга ошишига умид билдирди.

Яхши-да, тўғрими?
Ҳа, бугун уни учратганимдан хурсандман. Жудаям хур-

кел, кўшил, деб айтаётгандай. Овозлар эса уларга жўр бўлиб: сен биздансан, биродаримизсан, демоқда гўё. Осмон бу жўр овозларга лиқ тўла, улар мени, сафарга тайёр, ўзининг навқирон, ёш қанотларини дадил қоқиб учишга шай биродарини чорламоқда.

26 апрель. Онам менинг янги нарсаларимни, эскифуршдан сотиб олган буюмларимни жойлаётир. Шояд, тугилган уйингдан узокда дўст ким, душман кимлигини билсанг, инсофга келсанг, дейди онам. Илло! Шундай бўлади, албатта. Шон-шарафлар бўлсин сенга, ҳаёт! Мен сафарга отланаётирман, ижод ҳақиқатини қайта-қайта англаб етмоқ ва қалбимнинг кўри билан ҳалқимнинг тенгсиз, бетакрор ақлу иродасини намоён этмоққа жазм этиб йўлга чиқаётирман.

27 апрель. Раҳнамоим, эй азиз устоз⁴, минбаъд менга тоғдай таянч бўл, азалу абад ўзинг қўллагайсан.

Дублин, 1904.
Триест, 1914.

ИЗОҲЛАР:

1. Майкл Робартес — У.Б.Йитснинг “Майкл Робартес бой берилган гўзалликни хотирлаётир” (1896) шеъридаги қахрамон. Шоир талқинида Майкл Робартес — хаёлот, ижод ва Ирландиянинг тимсоли.

2. Жойс асарининг шарҳловчилари Малреннен кимлигини аниқлашга муваффақ бўлишолмаган. Афтидан, Жойс ирланд миллатчилари устидан кулиб, атай кутилмаган фамилиядан фойдаланган кўринади.

3. “Инжилда” талқин қилинган Иаковнинг тангри билан олишуви назарда тутилган: “Ва Иаков ёлғиз қолди. Ва Ҳечким у билан тонг ёришгунча олишди...”. Қари чол образи Стивен учун у тарк этишни ихтиёр этган ватан ва у инкор қилган дин тимсоли.

4. Стивен, исмини ўзи олиб юрган, Дедалга мурожаат этаётир.

Аҳмад ОТАБОЕВ
таржимаси

ТАРЖИМОНДАН:

Машхур ирланд адиби Жеймс Жойснинг “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили” романи “Маърифат” газетасида шу йилнинг бошидан бошлаб эълон қилинди. Сиз ушбу сонда романнинг охириги саҳифаларини ўқидингиз. Айрим жузъий қисқаришларни айтмаганда, асар “Маърифат” саҳифаларида тўла эълон қилинди.

Шубҳасиз, Жеймс Жойс номи жаҳон адабиёти тарихида энг юқори ўринларда туради. XX аср прозасидаги туб ўзгариш ва янгилишларни аксарият ҳолларда унинг номи билан боғлашади ва бу ҳақиқатга зид эмас. Ж.Жойс асарлари аллақачон ривожланган давлатлар олий ва ўрта таълим дастурларидан, адабиёт мажмуаларидан жой олган. Тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, унинг асарлари таҳлилига бағишланган китоблар, илмий ишлар адиб романлари ҳажмидан бир неча юз марта орттиқ экан. Ҳануз бу ёзувчи дунёқарашни, услуби, насрга у олиб кирган янги усул ва воситалар атрофидаги баҳс-мунозаралар тингани йўқ. Бир сўз билан айтганда, Жеймс Жойс ижоди жаҳон маданиятидаги гаройиб ҳодиса сифатида тан олинган ва ўзбек китоб-

хони бу ҳодисадан хабардор бўлишга тўла ҳақли. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, Жеймс Жойс каби мураккаб дунёқарашга, теран психологик тасвирга эга бўлган чет эл адибларининг асарлари ўзбек ўқувчисига ҳам етиб келиши аввало Истиклолимиз шарофатидандир. Мустақиллик бизга жаҳон маданиятининг юксак намуналаридан баҳраманд бўлиш имкониятини очиб бергани таҳсинга лойиқ.

“Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили” Ж.Жойснинг биринчи романи. Бу асар адибнинг Катта, таъбир жоиз бўлса, Асосий романи “Улисс”дан фарқ қилади. Бироқ “Мусаввир...”ни ўқимай туриб, “Улисс”га киришиш қийинроқ. Чунки биринчи роман “Улисс”нинг ўзига хос дебодаси дейиш мумкин.

Газетхонлар “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили” романи таржимаси билан танишиш жараёнида баъзи бир қийинчиликларга дуч келган бўлишлари мумкин. Бир қарашда бу автобиографик асарга ўхшаб кетади, беихтиёр ўқувчи ёдига Лев Толстойнинг “Болалик, ўсмирлик, ёшлик”, Томас Мурнинг “Ёш йигитнинг икрори” ёки Ойбекнинг “Болалик”, Фафур Фуломнинг “Шум бола” асарлари келади. Би-

роқ Ж.Жойс романи “қалб диалектикаси” услубидаги асарлардан эмас. Асосий фарқи томони шундаки, Жойс қахрамон ҳақида ҳикоя қилмайди, балки уни кўрсатади, боз устига, бир неча қирралардан туриб кўрсатади. “Мусаввир...”да қахрамоннинг вояга етиш босқичлари навбати билан келмайди, муаллиф боладаги барча фазилат, қусур ва ўзгаришларни бир пайтнинг ўзиде кўрсатади... Хуллас, Ж.Жойс танлаган тасвир усули XX аср жаҳон адабиётида янгилик сифатида адиб тириклик пайтидаёқ эътироф этилган эди.

“Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили” романининг таржимаси ушбу сатрлар муаллифининг бу соҳадаги дастлабки уринишлари. Шу боис, табиийки, таржиманда қиёмга етмаган ўринлар учрайди. Айни пайтда асар таржимаси устидаги ижодий иш давом эттирилмоқда. Романнинг китоб ҳолидаги нашрида камчиликларни бартараф этамиз, деган ниятдамыз.

Фурсатдан фойдаланиб, “Маърифат” газетаси таҳририятига мазкур романнинг эълон қилинишига имконият яратиб бергани учун миннатдорчилик билдираман. “Маърифат”нинг синчков ўқувчилари, имкон топишиб, роман таржимаси ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришар, деган умиддаман.

ТАЪЛИМ: ҲАЁТГА ТАЙЁРГАРЛИК

Бола мактабга борса, уни битиргач эса, катта ҳаётга тайёр бўлмаса, бу—вақтни ва маблағни бекорга сарфлашдан бошқа нарса эмас. Афсуски, дунёдаги кўплаб болалар ҳаётида шу жиҳатни кузатиш мумкин. Халқаро доирадаги кузатувлар шуни кўрсатадики, илғор педагоглар бундай ҳолатнинг сабабларини қисман аниқлашмоқда. Биринчи сабаб, берилаётган таълим билан ўзлаштирилаётган билимларнинг ўртасида катта “узилиш” мавжудлиги. Жаҳон банкининг Бангладешда эълон қилинган шу масалага доир кузатувларидан маълум бўлишича, ҳар беш ўқувчидан тўрттаси бошланғич таълим (1—5-синфлар)дан сўнг зарур бўлган минимал билим даражасини ҳам эгаллай олмайди, уч синф маълумотни олганларнинг аксарияти амалда ҳеч қандай билимга эга эмас. Бошқача қилиб айтганда, кўплаб болаларнинг ҳуқуқлари амалга оширилмай қолмоқда. Албатта, бундай маълумотлар ўқувчининг базавий маълумот даражаси ва ҳисоб-китобни нечоғли ўзлаштиргани — ўқиш, ёзиш, сўзлаш, эшитиш ва математик амалларни бажара олишига қараб тайёрланади. Ва бу таълимни давом эттириш истиқболни белгилайди. Лекин бу каби умумий маълумотлар ҳар бир ўқувчи ҳаётига таъсир этувчи, турли ижтимоий муҳит ва шароитларда “яшаб кетиш”га ўргатувчи ҳаётий талаб болаларга таълим бериш савиясини эътиборга олмайди.

XXI аср таълими эса, ҳар бир болага ҳаёт дарсини бериши керак. Акс ҳолда маълумотлилар ва маълумотсизлар турмуш даражасида кескин фарқ юзага келиб, кишилар ҳаётида жиддий ижтимоий муаммолар юзага келиши мумкин.

Умуман, бугун дунё педагогларининг иши болани ҳаётга тайёрлаш, болалар ҳуқуқлари Конвенциясида таъкидланганидек, тарбиячилик ва ҳамкорлик тамойилида ишлаш, дарсларда демократик муҳитни шакллантиришдан иборат.

ЮНИСЕФнинг “Таълим” журнали асосида Ф.РАҲИМОВ тайёрлади.

**ЕР
ЮЗИДА**

Совуқдан Москвада бир кеча-кундузнинг ўзидаёқ 4 киши нобуд бўлган, деб хабар қилади Интерфакс агентлиги.

Россия жамғарма банкига кеча 159 йил тўлди.

Чеченистонда 20 та фугас портловчи ускунаси аниқланиб, хавфсизлантирилди.



Россиянинг Свободний космодромида биринчи Исроил сунъий йўлдошини учиршига тайёргарлик ишлари якунланмоқда.

Озарбайжондаги оппозиция янги парламент сайловлари ўтказилишини талаб қилмоқда. [Интерфакс].

Францияда испан террористлари қўлга туширилди.

Кеча Арманистон мудофаа вазирининг Эронга ташрифи якунланди.

Угандада Эбола жазаваси қурбонлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Хитойда саратон касаллигига қарши курашишда зарур воситалар тўплаш учун Халқаро марафон бўлиб ўтади.

**МЕТЕОРИТ ЕРГА
ТУШМАЙДИ...**

Ўтган ҳафта сўнггида НАСА олимлари ва Халқаро астрономия бирлашмаси (ХАБ) вакиллари куйидагиларни хабар қилишганди: сайёрамизга космик объект (кўринишидан астероид) яқинлашиб келмоқда ва 2030 йилда у Ер билан тўқнашади. Олимларнинг сўзларига кўра, астероид ҳажми айтарли катта бўлмаса-да (диаметри — 30-60 метр), у Хиросимада-бирича ёки йили тушган

Samo

Ерга урилганда гининг юздан Сибирга 1908 Тўнғуз метеоритининг ўндан биричалик портлаш юз беради. Тўғри, бунда шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, тўқнашув юзага келиши эҳтимоли 500 га 1 деб баҳоланмоқда.

Лекин ушбу ҳафтанинг сешанба куни матбуотда умуман бошқача маълумот чиқди. Аниқланган ҳисоб-китобларга кўра, астероид 2071 йилнинг сентябрида Ерга яқинлашиб, унинг ёнидан 4,3 миллион км. масофа оралигида ўтиб кетади. Астероиднинг сайёрамиз билан тўқнашуви эҳтимолини астрономлар энди 1000 га 1 деб ҳисоблашмоқда.

Америка ва Россия олимлари экспедицияси Фарбий Сибирдаги Томь дарёсида хавфли радиоактив нурлашиш борлигини аниқлашди. Экспедиция гуруҳи раҳбари

Tabiat

ят институти вакили Елена Пашченко шундай дейди:

— Томск вилоятида тобора яқинлашиб келаётган экологик офат белгилари кўринаяпти.

**РАДИАЦИЯГА
УЧРАГАН ДАРЁ**

Норм Баске сўзларига қараганда, нурлашиш Сибирь кимё комбинатининг дарёга радиактив чиқиндилар тўкаётгани оқибатида пайдо бўлган. Унинг сув таркибидаги кўпгина кимёвий элементлар, хусусан, стронций микдори АҚШдаги белгиланган нормадан минг карра юқоридир.

“Сибирь олимлари глобал масъулият сари” жами-

Тадқиқот хулосалари Атом энергияси бўйича халқаро агентлик ва Россия Давлат атом назоратига юборилди. Олимлар биргаликда текширув ишларини олиб боришга ва мутасаддиларни Томь дарёси бўйидаги ҳудуд аҳолисини радиактив заҳарланишдан сақлаш борасидаги кечиктириб бўлмас тадбирларда иштирок этишга чақиришмоқда.

**ЧЕКИШГА ҚАРШИ
ШОК ТЕРАПИЯСИ**

Таиландда 2001 йилдан чекувчининг саратон касаллигидан шикастланган ички органлари — торайиб кетган қон томирлари ва титилиб кетган упка суратлари чоп этила бошланади. Ушбу суратлар кашандаларнинг бу зарарли одатни ташлашларига туртки бўладиган кўрқинчил сизмат

Salomatlik

тувчи фатида қилади,

деб маълум қилади мамлакатдаги тамаки чекишни назорат қилувчи институт.

“Ёзма огоҳлантиришлар кишилар онгига етиб келмаяпти, шекилли”, дейди институт директори Бараборн Бхумисавадхи хоним. Даҳшатли суратларни чоп этишда тиббий клиникаларда олинган суратлар асос бўлади.

Эслатиб ўтамиз, дунёдаги шу каби “шок терапияси”ни илк бора қўлаган мамлакат Канада эди.

**АҚШДАГИ
САЙЛОВЛАРНИНГ
СЎНГИ
НАТИЖАЛАРИ**

Олинган сўнги хабарларга кўра Американинг Флорида штатида АҚШ президентлигига бўлган сайловларда берилган овозлар ҳисоботи давом этмоқда. Маълум бўлишича, қайси шахс президент бўлиб сайланиши (демократ Альберт Горми ёхуд республикачи кичик Жорж Бушми) Флорида штати кўпчилик аҳолисининг овоз беришига боғлиқ экан. Associated Press агентлиги хабар беришича, кеча Тошкент вақти билан соат 7:40 да Флоридадаги 67 округнинг 66 тасида овозлар

Saylov

ҳисоблаб чиқилди. Орадаги фарқ кичик Жорж Буш фойдасига 229 овозни ташкил этди. Аммо шуни ҳам эътиборга олиш керакки, ушбу агентлик маълумотида баҳсга сабаб бюллетенлар ва сайлов участкалари ходимлари хатоси ҳисобга олинмаган. Кутилишича, бугун овозлар “қўлда” санаб чиқилади.

Яна бир маълумот: пайшанба куни кечқурун Флорида штати котиби Кэтрин Харрис хоним журналистлар билан учрашувда сайловлар ҳисобининг куйидаги расмий хабарини эшиттирди: штат 66 округининг 53 тасида овозлар ҳисоблаб чиқилиб, Буш 1784 овоз билан олдинда бормоқда. Харрис хоним сўзларига кўра, якуний ҳулосалар сешанбадан олдин эълон қилинмайди.

Мутахассисларнинг эътирофи этишича эса, АҚШ президентлигига бўлган сайлов ҳулосаси фақатгина 17 ноябрда аниқланади.

Немис халқининг буюк даҳиси Йоханн Вольфганг Гёте асимизнинг қомусий олимларидан ҳисобланади. У 1749-1832 йилларда яшаб, ижод этди. Гёте бутун умрини ижодга, илмга бағишлади, у нафақат адабиёт, балки ҳуқуқ, диншунослик, алгебра, ўсимлик ва ҳайвонлар дунёси, мусиқа ва рассомчилик соҳаларида самарали ижод этди.

Гёте фарб шоирлари орасида илк бор Шарқ ва Фарб шеърятини яқинлаштиришга қўл урган ягона шоирдир. Биз куйида унинг “Фарбу Шарқ девони”га кирган ажойиб шеъри - “Гинко билоба” ҳақида тўхталиб ўтмоқчи лозим топдик.

“Гинко билоба” шеъри

Anglash

фестиваль ўтказилди. Фестиваль дастуридан иккита муҳим мавзу: “Гёте” ва “Антик афсоналар” жой олди. Фестиваль раҳбари фрайберглик доктор Панкрац фестивални янада оммавийлаштириш мақсадида “Гинко шиори остида” чақирғини ўртага ташлади. Ушбу шиорни танлашдан мақсад, нафақат “Фарбу Шарқ девони”даги баъзи бир шеърларга шаъма қилиш, балки Гёте ана шу шеърини девон орқали Фарбу Шарқнинг ўтмиши ва бугунини бир-бирига яқинлаштириши мақсад қилганлигини кўрсатиб бериш эди. Гётенинг “Гинко билоба”

роқли, на нина баргли дарахтлар оиласига қиради. У елпигичсимон дарахт сифатида асрлар давомида тошга айланган бир неча турларнинг камёб намунаси.

Осиёда кенг тарқалган Гинко XVII аср сўнггида немис табиатшуноси Энгелберт Кемпфер саъй-ҳаракати билан Фарб мамлакатларига келтирилган. Гинко ҳозирги кунга қадар шифобахш, қайта куч бағишловчи ўсимлик сифатида муҳаббат ва дўстлик, боқий умр ва ҳаётга умид билан боқувчи туйғу рамизи бўлиб келмоқда.

Машҳур полиботаник Сир Альберт Стюарт Гинко билобани қадимги тарихий воқеалар гувоҳи, ўзида беқиёс сир-сино-

ГИНКО БИЛОБА ҲАҚИДА

ҳақида сўз юритишдан аввал Гинко дарахтининг хусусиятларини билиш ўринлидир. Бу дарахтнинг асли ватани Хитой ва Япониядир. Узунлиги 40 метргача бўлган бу дарахтнинг япроқлари шохсимон, баъзилари эса икки паллалидир. Бу яшилкулранг тусдаги дарахт кўпинча хиёбонларни кўркамлаштириш мақсадида экиладиган дарахтлар тоифасига қиради. Унинг ноёб хислатларидан бири шундаки, у Япониянинг Хиросима шаҳрига атом бомбаси ташланганидан сўнг бир йил ўтиб 40 йилгача майса кўкармайдиган култепалардан қийинчиликларни енгиб, кўкариб чиқади. Шундан буён Гинко одамлар онгида ҳар қандай ёвуз кучларга қарши тура оладиган, курашувчан ноёб дарахт тимсоли бўлиб қолди.

Ўтган 1999 йил Пассау шаҳрида Европа ҳафталиги ташаббуси билан Гётенинг 250 йиллик юбилейига бағишланган

шеърисидаги “Ўзим ёлғиз ҳам эгиз” мисраси мунозарали баҳсларга сабаб бўлди.

Бу шиорни танлаш сабабларидан бири шуки, Гинконинг барглари икки паллалидир ва шу дарахтнинг ўзида ҳам аёл, ҳам эркак қони мужассамдир. Курраи заминимизда 300 миллион йилдан буён мавжуд, ёши энг улуг ушбу дарахт ҳақидаги ўйларини Гёте линцерлик хоним Марианна Виллимерга бағишлаб ёзган шеъри билан боғлайди. Бу ажойиб хислатли дарахт на яп-

атни мужассам этган “замин дарахти” деб атайди. Европа ҳафталиги ана шу сирларнинг тагига етиб, тадбиқ этиш учун намуна сифатида иккита мавзунини кўриб чиқди. Биз янги минг йиллик (миллениум) бўсағасида турибмиз, айнан “Гёте” ва “Антик афсоналар” каби мавзулар она-заминимизни эъзозлашга, кўз қорачигидек асрашга ва уни ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга лойиқдир. Гёте “Гинко билоба” шеърисида шундай ёзади:



Бу дарахт япроғи асл шарқона,
У танҳо умидим, безагим боғда.
Донишмандлар яратган ушбу дурдона
Бергиси тайиндир бир талай маъно.

У мозийдан ёрқин хотира,
Наҳот, ўз дилини этдими пора?
Дейинки, икки жон бир танда қилар мураса,
Ёлғиз деб билганлар, тушунса, зора.

Чин мазмунин топдим мен бугун
Бу саволга жавоб бериш чун,
Ўзим ёлғиз, ўзим ҳам эгиз,
Туймайсанми ашъорим ҳаргиз.

Баҳриддин АСЛАНОВ

**ТИЛЛА
ЎРНИГА
ЧИҚИНДИ**

Таннархи 1,5 миллион долларни ташкил этган беш қути қайта ишланмаган олтиннинг бир қисми Африкадан АҚШга жўнатилаётганида сирли равишда гойиб бўлди.

Қутилар 23 октябр куни Котону(Бенин)даги Air Africa авиакомпанияси самолётига юкланди. Сунг самолёт Нигерияда бир тўхтаб олгач, уни Париж-

Jinoyat

га етказди. Бир неча кун утгач, олтинлар у ердан Air France компанияси самолётида Чикаго(АҚШ)га жўнатилади. Аммо Чикаго аэропортида америкалик солиқчилар фақатгина уч қути олтинни аниқлашди. Қолган икки қутининг ичи тилла билан эмас, балки... ёғоч чиқиндилари билан тўлдирилганди. ФҚБ томонидан бошланган қидирув ишлари етказилаётган мол “саёҳат”нинг қайси босқичида йўқолганлигини ҳозирча аниқлай олмапти.

Саҳифани интернет хабарлари асосида Жамшид САЪДИНОВ тайёрлади.


SO'Z SAN'ATI

(KROSSVORD-TEST)

AYLANMA
KROSSVORD

Belgilangan xonadan raqam atrofiga soat mili yo'nalishida:

1. O'zbekiston Respublikasining davlat madhiyasi she'ri muallifi. 2. O'zbek roman-chiligi asoschisi. 3. "Buzilgan o'lkaga" she'rini yozib qoldirgan atoqli o'zbek shoiri. 4. "Ravshan" dostonidan: "Avazxon bilan Hasaxon ham sher haybatli, ... kelbatli, qoplon yurakli, arslon bilakli yigitlar bo'ldi." 5. "O'tgan kunlar" romani qahramoni. 6. Badiiy asar yaratuvchi. 7. "Ravshan" dostonida bayon etilgan yurt. 8. Doira shaklidagi to'g'ima anjom. 9. Badiiy asar turi. 10. O'zbek ma'rifatparvar shoiri. 11. Poshsha Xo'ja hikoyalari to'p-lami. 12. So'z san'ati. 13. Badiiy asardagi obrazlar turi. 14. Mohir kamon otuvchi. 15. "Ravshan" dostoni qahramoni. 16. O'zbek shoiri, Feruz zamon-doshi. 17. Xalq dostonidagi botirlik, jasorat. 18. O'tmish badiiy ijodida birmuncha kam yozilgan asar turi. 19. O'zbek mumtoz shoirasi. 20. O'tmish adabiyotiga mansub o'ta donolik bilan aytilgan so'z, hikoyat. 21. Badiiy asarda ta'sirchanlikni oshiruvchi ichki kechinmalar bayoni. 22. "Ravshan" dostonidagi sher haybatli, arslon bilakli, qoplon yurakli yigitlardan biri.



23. Dostonda qayd etilgan qadimiy shahar. 24. Yirik she'riy asar. 25. "Ravshan" dostonidagi Qoraxon podshoning qizi. 26. Vatanimiz madhiyasining musiqasi muallifi.

CHAYNVORD

27. Nasriy asar turi. 28. Mamlakatimiz madhiyasidagi takrorlanadigan qism. 29. Badiiy ijodda qo'llaniladigan shakldosh so'zlar, ya'ni omonimlar yordamida fikr va ma'noni kuchaytirish san'ati. 30.

Adabiyotda alohida o'rin tutuvchi soha. 31. Badiiy adabiyotga eng yaqin turuvchi fan. 32. Dostonlar tor jo'rligida ijro etiladigan maskan.

33. Asarda narsa-hodisani, harakat-holatni kuchaytirib tasvirlash. 34. Nasriy asar ijodkori. 35. O'zbek mumtoz shoiri,

olimining o'z hayotini jonli, shirali til bilan ta'sirchan tasvir etgan nodir asari. 36. Alisher Navoiyga qadar yashab, ijod etgan o'zbek adabiyotining iste'dodli vakili, g'azalnavis shoir. 37. Badiiy asar yaratish faoliyati. 38. "Ravshan" dostonidagi xonlardan biri. 39. Badiiy tasvir markazida turuvchi. 40. Badiiy merosni bosib chiqarib kitobxonlarga yetkazuvchi.

MUAMMONOMA

Javob so'zlari asosida quyidagi raqamlar juftini (birinchisi so'z, ikkinchisi harf tartibini anglatadi) taalluqli harflar bilan almash tirib, muammonomani hal eting.

5-5; 1-2; 11-1; 7-2; 40-3. 6-2; 25-2; 26-6; 10-5; 24-6; 35-1; 23-2; 3-3; 34-4; 19-1; 4-3. 4-2; 37-7; 38-3; 2-4.

Ulardan "Ravshan" dostoni ijodkori, taniqli xalq baxshisining ism-sharifini bilib olasiz.

Foziljon ORIPOV
tuzdi.

Gazetamizning shu yil 4 noyabr sonida berilgan
krossvord-test javoblari:

Belgilangan xonadan raqam atrofiga soat mili yo'nalishida: 1. Turon. 2. Nurota. 3. Beshtor. 4. Buxoro. 5. Oqtog'. 6. Oq bosh. 7. Kitob. 8. Jarlik. 9. Marmar. 10. Karer. 11. Delta. 12. Samarqand. 13. Zarkosa. 14. Sharg'un. 15. Toshkent. 16. Tomditog'. 17. Zilzila. 18. Sariq cheku. 19. Simob. 20. G'ozg'on. 21. Neogen. 22. Tunnel. 23. Gazli. 24. Qalay. 25. Manas. 26. Urganch. 27. Boysun. 28. Qishloq. 29. Botiq. 30. Mingbuloq. 31. Muborak. 32. Tekislik. 33. Uchqizil. 34. Qurama. 35. Yetimtog'. 36.

Xamrobayev.

CHAYNVORD

37. Tog'. 38. G'arb. 39. Boymuhamedov. 40. Volfram. 41. Marjonbuloq. 42. Qo'rg'oshin. 43. Nazarbek. 44. Kakpatas. 45. Sariqtosh. 46. Shohpaxta. 47. Abdullayev. 48. Vismut.

MUAMMONOMA

I) Ko'kdumaloq. II) Shimoliy So'x. III) Janubiy Olamushuk. IV) Polvontosh. V) Chimyon. VI) Sho'rsuv.

Ma'rifat

ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазири, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:

Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Йўлдош САИДЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулкар ТҮЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Уткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Рақам ва далавлар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдилар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида
Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА
саҳифалади.

Навбатчилар: А. ОТАБОВЕВ,
Ж. САЪДИНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-1017.
Тиражи 18.608.
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида
босилган, қоғоз бичими
А-3.

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 19.30